Самарқанднинг шарқий қисмиди Дари занжир, Ялангбек, Чоқардиз маҳаллалари билан чегарадош бўлган Фаҳеҳ Абу Лайс маҳалласи ниҳоят буюн ва мұтъабар сиймоларини вояга этиказида мухим ҳадамит насб этиган табарук ҳадамжоларданди. Абу Лайсийнинг «Бўстон ул-орифин» («Орифлар бўстони»), «Танбех ул-орифин» («Фоилиларга танбех») асрлари бир неча марта нашр қилинган. Бу асрлар бир маҳаллар машхур шарқийносли олим, машхур «Мусулмон Ренессанси» асрарининг автори Адам Мәцнинг диққатини ҳам тортган эди.

Академик В. АБДУЛЛАЕВ,
профессор Б. ВАЛИХУЖАЕВ.



Самарқанд районидаги «Ленин байрого» колхозининг паррандабоцари Шарофат Валиева.
С. БЕЗНОСОВ фотоси



Нурота районидаги Давлат наслулилк заводининг баш чўпони Суюн Абизев.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

БАТРАКНИНГ БАХТИ

Дурнгимиз мушонрага айланниб кетди. Кимнингдир тақлифи билан достонхонлик бошланди. Пўлканинг «Ҳасан батрак» дастонини ўқий кетдик. «...Ҳасаннинг отаси бойларнинг қўлида новча бўлуб ўтган. Ундан молдуне тутуп чорак будгой экадиган ер ҳам қолмаган. Ҳўжайн ҳар йили ҳисоб қылган. Ҳасан қайки ҳам ҳам отасининг қарзидан узилмаган. Йигит эмасми, эртако кеч ўлгудай ишлайди. Кўклиам экинни қўлганидан кейин бойнинг молини боқади. «Мехнат қилиб бир топсан, мен ҳам ўз рўзгоримни тузсан», деб ширин хәёл суради.

Бойнинг бўлса Бойиз, лақаби Ойқиз деган қизи бор. Ҳасан қайки уни кўз тагига босиб юради. Бир куни Ойқиз отасининг молини кўргани кўриқа келади. Шундан Ҳасан қайки унга кўз сўзи деди:

Уч йил бўлди мунтазирман ўзинингга, Жоним фидо ярқираган ўзинингга, Ичимдаги дардим ёшиг, Ойқизжон, Ростин айтсан, ишқизозман ўзинингга...

Даврда енгил кулги кўтарилди.

— Ҳасан ота ҳозир ҳам шу гапларни эслармикан-а? — деди қимдир.

— Нега эсламасин! — деди ёнимда ўтирган йигит. — Ўтган ёз бизнинг колхозда катта йигин бўлди. Ҳасан ота қандай килиб колхоз тузганларни гапирди. Ӯшанда шу гапларни ҳам айтуб одамларни роса кутирган эди...

Мен таажужубандим! — Наҳотки Ҳасан батрак тирик бўлса! Демак у адабий қаҳрамонига эмас, бор одам эканди...

«Москва» колхози партия ташкилотининг секретари Маматкул Маматкаримов жавоб берди:

— Ҳасан ота бор одам!

Мендан достон қаҳрамонини топиб иккигоз гаплашиб ишиёки туғиди. Ҳасан қайки тақдирининг Пўлкан шоир достонининг айтимлай қолган саҳифаларини билишин истардим.

Этталаб Ҳасан отанинг қараф кетдик. Хатирчининг эски ўринига Кўргон деб айтдилар. Бу жой ҳозирга район марказидан бир оз шимолроқда. Ҳасан отанинг уйи ҳам ана шу эски Кўргон тарафда экан. Аммо бу ерларда «эски» сўзини халқ ўрганиб колгани учунгина айттилди. Аслида эсқилиндан нишона қолмаган: ҳовлилар янги, ўйлар янги, одатлар ва одамлар янги.

Катта кўк дарвоза олдида тұхтедик. Тавақалари лант очиқ дарвоздадан ҳовли сахни кўрнишиб турибди. Ҳовлида ранг-баранг гуллар очилган. Гулзор ичида беллини шоҳи ийин билан бўғлаб олган оқ яктили бир мўйисифид юрибди.

— Ҳудди ўзларида... — деди у табассум билан.

Ҳасан ота бизга қўлидаги лейкани ерга кўйиб, пешвозд чиқди.

— Ассалому алайкум, отахон...

— Ваалайкум ассалом, келинглар...

Ховлидаги шоҳсупага жой қилинди. Суҳбат давомида маҳсадимни айтдим, шоир Пўлкан достонидаги воқеалар тафсилотини сўрадим.

— Менинг бошимдан кечган гапларнинг ҳаммасини Пўлкан шоир достонда айтбўйган,— деди ота бир оз ўй сурғач.— Ӯшанда мен билан Ойқиз воқеасини эшитган Пўлкан ота ҳам сизларга ўхшаб мени излаб келгаг эди. Мен унга бўлган воқеани бошдан-ёқ айтб берганиман. Бир пайт қарасан ҳалқ ичида достон бўлиб кетибман. Каерда тўртта одам йигилса, менинг таърифлаган экан...

Суҳбатимиз кўр олди. Маълумки, достон Ҳасан батракнинг Ойқизга ўйланниб, «батраклар артелига катта бўлиши билан тугдиган. Ҳўш, унинг кейнинг ҳаётини қандай кечди?

— Ҳаётимининг энг қизиги тўй ўтиандан кейин бошланди,— деди ота,— камбағаларни эзган бойлардан ўч олиша киришдик. Қобим фирка, Суръат комсололар билан бирлашиб, аввал эти пуштимизни кулдай ишлатиб келган Ава兹бонинг кавшини тўргиладик. Кейин Жаналибонинг жазосини бердик. Бунакалар кўз эди, битасини ҳам колдирмадик. Сўғин батраклар кўмитаси тузилди, унга аъзо бўлдим. Кўшичи союзи тузилди, бошчиллик килдим. Кейин мени союзга ранс килиб қўйишди. Йўлдоши ота Ойнобоев келдилар. Колхоз тузини ўйларини айтдилар. Колхоз тузинга киришиб кетдик.

— Дастлаб қайси хўжалин тузилгани эсингиздами?

— Бўйласа-чи, ҳаммаси эсимда... Аввал «Лочин» колхозини туздик, кейин «Кайтмас», «Шўро», «Ўзизл қўшин», хуллас кирк иккита колхоз тузганимиз... Аммо шуниси борки, у пайтдаги хўжаликлар жуда кичкина, камқувват бўларди. «Лочин» колхозининг ўй бир жуфт ҳўзиши, саккизта от-араваси бор эди, ўтказ уч ишини аъзо эди. Бу билан дунё олиб бўлармиди?

Ҳасан ота берилшиб сўзларди. Ӯшандан бўён юз берган маданий юксалишларни сарҳисоб киласар, фаровон турмуш ҳакида, инсоннинг кадр-қиммати ошганлиги ҳақида сўзлар эди.

Бир вактлар «мен ҳам мол орттириб ўз рўзгоримни тузсан, деб орзу қылган Ҳасан ота мана энди ўзининг тоту оиласи, ўғил-қизлари билан баҳтиёр. Үғли киномеханик, қизи — газета редакциясига ишлайди. Ҳасан отанинг давнинглама ҳовлиси, гулларга безанган, мевалари фарқ пишиб ўтган боғ-роғи бор. Ўй ҳамиша чароғон, дастурхони тўкин-сочин. Ота кечимиш-кечирмизларини сўзларин, бу баҳтиёрлик, бу шаш-шавкат учун совет замонамизга қайта-қайта ташаккур айтади.

С. СИРОЖИДДИНОВ

САНЪАТКОР

ДОИМО

ЙУЛДА

Эрталабки поезддан тушгач, дўстимнинг ўнга куруқ бормаслик учун Самарқанд бозорига йўл олдим. Шу пайт узум бозорининг нариги бурчагида — Бибихоним масниди олдидা похол қалпоқ кийган рассомни ишустиди кўрдим. Мен Самарқандга шу юши — Муборак Йўлдошев билан учрашгани келётган эдим.

Асли деҳон оиласидан чиқсан бу йигит 1952 йили Тошкент Театр-рассомлик институтини афзо баҳо билан тутади. 1967 йилти Бутунитифон театр ва кино рассомлари кўргазмасликни якунларига бағишлинган мұхоммада унинг асарлари алоҳиди таъкидлаб тутиди. Вирсаладзе, Левинтель каби машҳур рассомларининг ишлари билан бир каторга кўйилди.

Рассом М. Йўлдошев театрга онд асарларида спектакль мазмунини очиши учун барча бадий воситалардан, айнича көлорит, улугворлик, ёрқинлик каби омиллардан яхши фойдаланади, бой фантазиясини сафарбар этади.

Самарқанд опера ва балет театрида бош рассом бўлуб ишлабки йилларida М. Йўлдошевга фракат декорация ҳамда либослар эскизининги эмас, саҳна техникиси чизмаларини ҳам яратишга тўғри келди, рассомлар цехининг бошлиги вазифасини адо этган пайтларда эса, саҳна жизоҳлаш ишларини ўз кўли билан бажарди. У пайтларда малакали ёрдамчилар йўқ эди. Ҳозир ўзи меҳр ва қунт билан тарбиялаган ёшлардан моҳир шогирдлар этишиди.

Рассом Тошкент ҳамда Самарқанд опера ва балет театларидаги иш олиб борган шу йиллар давомида ўнта опера ва балет спектакларини бузади.

Хали рассомлик факультетининг театр декорацияси бўлимидаги И. Вальденберг, В. Рифтин каби устозлар тажрибасини ўзлаштиради, Йўлдошев деворий павхалар чизиш —

фреска санъатини эгаллашни орзу қиласди. Уни ўзбек халқ достонлари ва эртакларидағи қаҳрамонликлар доимо ҳаяжонлантириб келган. Уларда рассом аввало тарихий воқеаларининг қаҳрамонномасини, неча асрлардан бўён Самарқанд мәҳмонарларининг дикъатини ўзига қаратиб келаётган, кишини ҳайратта соғувчи ёѓоргиларни бунёд этган бинокорларининг жасоратини кўради, уни чукур ҳис қиласди.

Мен рассом билан учрашганимда у улугвор Бибихоним мадрасасининг этодини чизаркан, айни бир пайдига театрнинг навбатдаги топширигини адо этиши билан банд эди. Унинг устахонасида эскизлардан намуналар, театрнинг янги спектакли — «Бибихоним» балети учун декорациялар тайёр турбиди.

Мана кўз олдингизда душманга найза билан ҳамла қилаётган аскарлар... бошقا бир полотнода эса қилинбоzlар тўпининг жангга кирниши, кийимлари худди қўйиб қўйгандай

танларига ёлишиб турган, камон билан қуролланган Темурнинг шахсий овчилари, гўзлапнида мисливиз Бибихоним ва бошча персонажларнинг образлари намоён бўлди. Рассомнинг балет спектаклини образли ҳис қилишга бундай ёндашуви постановкаига кatta ёрдам беради, унинг фантазиясини қанотлантириди ва образларни яратишида артистларнинг ижодий изланишларини фаоллашибди.

Муборак Йўлдошев тинмай изланишда. Уни Урта Осмоннинг қадимий монументаль санъати илҳомлантиримокда. У Москвада монументаль рассомлик санъатини ўрганишчи. Чунки унинг тиниб-тиничимас санъаткоро на қаби ҳеч қаҷон театр доираси билан чекланниб қўлмайди, доимо олга, маҳоратнинг янги чўйқилиари сарни интилади.

Рафаэль ТАҚТАШ,
санъатшунослик фанлари кандидати



Рассом Муборак Йўлдошев.



Машҳур рус рассоми Алексей Владимирович Исуповнинг (1881—1958) ҳабти ва икоди Узбекистон, айнича Самарқанд билан чамбарчас бoggлган эди. Унинг юртимиз манзараларини тасвирловчи асарлари жаҳондаги кўпгина томошабинларга мансур. Сиз бу ерда унинг Самарқанд туркумидаги асарларидан бири билан танишасиз.



**ТОШКЕНТ,
1970 ЙИЛ,
15—25
СЕНТЯБРЬ—
ОСИЁ ВА
АФРИКА
МАМЛА-
КАТЛАРИ
ИККИНЧИ
КИНО-
ФЕСТИВАЛИ**



0

ТА ВА ЎГИЛ. Икки хил тақдир. Уларнинг санъатга кириб келган йўли ҳам икки хил. Лекин улар ҳаётида бир муштараклик бор — иккаласининг ҳаёти ҳам ўзбек киноси билан чамбарчас боғлиқ.

Эргаш Ҳамроев 1925 йили — ўзбек киносанъати тетапоя бўла бошлаган пайтларда киностудия даргоҳига кириб келди. Бу даргоҳга ўша пайтларда келган ёшлар ичиде Эргаш кинематографига зўр ихлос билан яхрили турарди. Шу ихлос ва тўғма талант уни Ленинград кинотехникумидаги Л. Траубергинг актёrlик усахонасига бошлаб борди. Бу машҳур совет кинорежиссёри ўз шоғирдларини ҳаракат ва юз ифодалари орқалинига қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини берга олишга ўргатар эди. Чунки 20-йилларда ҳали кино овозсиз эди.

Биринчи бор Эргаш Ҳамроев ўз талантини Наби Фаниевнинг «Оксалиши» фильмида намойиш килди — батрак Йўлдош ролини муввафқият билан ижро этди. Бу фильм Эргаш Ҳамроев ва На-

га асос солди. У моҳир актёр сифатида фильмнинг муваффақиятини фақатгина ижрочининг маҳорати таъминлайди олмаслигини, бу нарса сценарий ва ундан образнинг қай даражада ёритилишига ҳам болгли эканлигини яхши ҳис кивлар эди. Узи ҳам сценарийда кучини синеб кўра бошлади. Унинг дастлабки сценарийларидан бирини Наби Фаниев экранга чиқарди. Бу — «Йигит» фильми эди. Эргаш Ҳамроевнинг ўзи унда бош ролни ижро этди. Фильм сценарийси мурakkab ижтиёий-сийсий фикрни илгар суради, уни ҳаяжонли, ҳаётй воқеалар ва оригинал образлар орқали акс этиради. Сценарийнинг бадий ёрқин, тадрижик ривожланниб борувию сюжети Ҳамроевнинг актёrlик истеъоди, унинг даврони чукур ҳис кила билини билан чамбарчас боғланган. Наби Фаниев ва Эргаш Ҳамроевнинг бу фильмни ўзбек киноси тарихида чукур из колдиди, унинг реалистик асосини мустаҳкамлайди.

Санъатни жон-дилидан севганд актёр ва сценарист Эргаш Ҳамроев ўғли Алини ҳам санъатга муҳаббат руҳида тарбиялади. Уни атрофдаги во-



Артист ва сценарист
Эргаш Ҳамроев.

ОТА ВА ЎҒИЛ

Би Фаниевнинг ҳам ижодий, ҳам шахсий дўстлиги асос солди.

Наби Фаниев Эргаш Ҳамроевнинг актёrlиги маҳоратини юқори баҳолади ва унга ўзининг «Рамазон» фильмида бош ролни ижро этишини тақлир қилди. Фаниевнинг ўзи ёзган сценарийда бош қаҳрамон Темур образи мурakkab ва жуда қизиқарли эди. Шунинг учун ҳам актёр олдида кўп қийинчиликлар турарди — актёр бойлар ва муллаларга ихолос кўйиган колоқ камбаган дехонинг колхозида дарасигасигача кўтарилишини, шу жаҳарёнда унинг руҳини ҳолатини барча мурakkabliklari билан берга билиш лозим эди. Бу ролни ижро этишида Эргаш Ҳамроев актёrlик маҳоратининг серкира жилвалири намоён буди.

Эргаш Ҳамроев ўз актёrlик санъати билан ўзбек киносининг реалистик актёrlar мактаби-

кеаларни образли ва санъаткорона завқ билан идрок этишига ўргатди. Ўлгина фронтдан ёзган хатларида жонговар воқеалардан ҳикоя қилас, йўл-кўриқлар кўрсатар, шу билан бирга ўзи чизган расмларни ҳам юбориб турар эди. Бу расмлар болага отанин қалбдан чиқкан меҳрини олиб келар эди. Ажаб эмаски, Алида санъатга бўлган ихлос ва иштиёқни ҳам шу расмлар уйғотган бўлса... Ота фронтда қаҳрамонларни ҳалон бўлди. Орадан кўп йиллар ўтди. Бола Бутунитифоқ Давлат кино институтига ўқишига кирди. Машҳур кино устаси Г. Рошаль раҳбарлигида режиссер бўйли етишиди...

Али Ҳамроев 60-йилларда ўзбек киносига кириб келган ёшлардан. Тенгдошлари каби у ҳам тез орада дастлабки фильмларини экранга чиқарди. Шулардан бири — «Ёр-ёр». Бироq дастлабки фильмларида Али Ҳамроевнинг кинорежиссёри сифатида ўзига хос томонлари кўримлайди. Унинг режиссёrlик қобилияти биринчи бор «Лайлак кеди», ёз бўйдик фильмнинг намоён бўлди. Фильм мазмунан зиддияти, мурakkab эди. Шунинг учун ҳам у кўп тортишув ва баҳспларга сабаб бўлди. Фильмга асос қилиб олинган материалининг қай даражада ҳаётйлиги ҳакида, қаҳрамонлар тақдирни ва уларнинг характерлари ҳакида тортишувлар кетди. Лекин ҳамма фильм бадий шакл ва кинематографик жиҳатдан ёрқин эканлигини бир оғиздан таъвидлади. Одатда режиссёrlик маҳорати ҳакида гап очилганди, аввало фильм образларнинг қай даражада ёритилганинига, уларнинг характери ва руҳий кечинималарининг тўла очиб берилishiiga қараб баҳоланди. Бу фильмда актёrlar ижро этган роллар ўзининг юракка етиб борувию нозиклиги, хаяжонлиги билан кишини мафтун қилди. Али Ҳамроев шундай саҳнлар яратганни, унда режиссёrdан аниқ кўрсатма олган актёр ўзини эркин ҳис килиб, бор имкониятларини образда кенг намоён қила олган.

Али Ҳамроевнинг бу фильмдаги режиссёrlик



«Йигит» кинофильмидан кадр. Пўлат ролида Э. Ҳамроев, Раъно — М. Мухаммедова.

изланишлари унинг кейинги «Дилором» ва «Кизилкүм» фильmlаридаги күринмайди. Лекин буларда унинг фильм постановасидаги ташкилий фанниятни каби режиссёрликнинг жуда муҳим белгилари яқол қўзга ташланниб туради.

Ҳозир Али Ҳамроевни кино жанрларининг қайси бир ўзига кўпроқ тортаётганини ҳақида бирор нарса деб бўлмайди. У комедия ҳам, драма ҳам, саргузашт фильм ҳам, опера-фильм ҳам яратди. Лекин бир нарса аник: agar сенарийдаги жиддий фикр, образларнинг бадий ёркинлиги ўзига тортса, Али Ҳамроев ўзида бор имкониятни ишга сола билади. Унинг О. Ағишев сценарийси асосида яратган сўнгги фильми — «Интернационалчилар» бу фикрга далил бўла олади. Фильм дохий Лениннинг 100 йиллик юбилейига бағишланган. Кўтарилиган масалалар ва уларнинг маҳорати билан талқин этилиши жиҳатидан бу фильм улуғ тўйга муносиб тухфа. Унда Ўзбекистонда инклилоб ғоялари учун олиб борилиган мурракаб ва оғир кураш ҳақида гап бореди. Фильм гарчи бошидан-оёқ публицистик диалоглар асоси-



Режиссёр
Али Ҳамроев.

га қурилган бўлса-да, томошабиннинг дикқати бўлинмайди, зерикмайди. Чунки унда ҳакиқий, оригинал ҳарактерлар яратилган. Бу фильм шубҳасиз, ўзбек киносида катта воқеа бўлади, деган умиддамиз.

Эргаш Ҳамроевнинг «Йигит» фильмни ўзбек тарихий-революцион фильмларининг дастлабкимиридан эди. Али Ҳамроевнинг «Интернационалчилар»и эса, шу мавзудаги фильмларнинг энг яхши сифатларини ўзида мужассамлаштирган кино асари. Али Ҳамроев ўзбек киносида оталар йўлининг, оталар анибасининг муносиб давомчиларидан биридан.

Ханжара АБУЛҚОСИМОВА,
санъатшунослик фанлари кандидати



«Интернационалчилар» фильmdан кадр. Низомиддин Ҳўжаев ролida С. Чўчморов, Қабозев ролida А. Жигарханян.



ХАЁТ

ИШҚИ

ЯКИНДА Пойариқа тўйга борган эдик. Ҳаваскорлар кўй-кўшик билан улфатчиликни қызитиб турган пайтда бўйдор йигит бир кишини опичиб кирди. Созандалар ўтириган чорполга авайлаб ўтиказди. Даврадагилар нозик меҳмонни кутиб олгандай куюқ сўрашиб, олдига дастурхон ёзиши. Унинг иккى кўй, иккى оёғи йўқ эди. Бу одамнинг ўзини бардам тутиши, ҳазил-мутоййаба қипиши, хушчакчалиги бизни ҳайратга солди. У билан танишдик. Кейинчалик Махматкул ака бошидан кечиргандарни сўзлаб берди.

... Махматкул мактабда яхши ўқиркан. У билан Муҳаррам исими қиз ёнига-ён ўтишар, улар ҳамиши бир-бирларига ёрдамлашишар экан. Мактабни тамомлагач икковиши пари колхозда ишлай бошлидилар. Аммо Махматкул ўн оғли ёшига етганда бошига оғир кулфат тушади. Отасидан, иккى йилдан сўнг онасидан ажралди. Олти бола етим қолади. Худди ўша ийли уруш бошлиди. Акаси Ҳазратпур тенгизларни катори фронтига кетди. Кўп ўтмай акасининг ҳалок бўлганни ҳақида қора хат келди.

1942 йилнинг миёнида Махматкулнинг армияга жўнаш навбати келади. Севган ёрини, ёш укаларини тақдирга ташлаш кетиши ниҳоят оғир эди, албатта. Лекин ҳамишилоқлаш, қариндошлар Ватан ҳимояси учун отланган йигитнинг укаларига ҳам ота, ҳам она бўладилар, етимилкларини билдирилдилар.

Махматкуллар тушган поезд Москвага етганда тақдир тұтхайди. Бомба ва снарядларини портлаши шитилиб туради...

Махматкул резервдаги жангчилар қатори машҳ муддатни ўтагач, миномёт ротасига юборилади. Ёш жангни ўша йилнинг сентябрь ойида Ржев районидан биринчи марта жангга киради.

Москва остоаналари душмандан тозаланганча, Махматкул курорлодаги дўстлари билан Ленинград ўсбагаларидан манфур ёвни улоқтириб ташлаш учун отланадилар.

— Эртага ҳуқумга ўтамиш, — дейди полк командири. — Аммо рӯпарамиздан душманнинг кучи қандай, аниқ билмаймиз, «тиль» келиш зарур...

Махматкул Қурбонов бир гурух жасур жангига бос бўлиб разведкага жўнайди. Ҳарактон соvuқда, қалин қорда эмаслак юрши нақадар оғир. Улар душман позициясига яқин бориб соvuқда деспинсиз турган немис соқинис устига ташланадилар. Озига латта тикиб олиб келаётгандаридаги фашистлар сезиб қолади. Отишма бошлигади. Жангчиларимиз мardonован жанг қилиб, орқага чекинадилар. Охир беш киши тирик қолади. Улар қаршилик кўрсатади. Махматкул Қурбонов чекинётган ўткоzlарини ҳимоя килиб, душманнинг йўлни тўсади. Худди шу пайтда Махматкуни бир умр ногирон килиб қўйган ҳодиса рўй беради. У бир неча жойдандан арапланади.

У ҳушига келгандага қор тагида ётганини кўради. Қимирламоқчи бўлади, Қимирлай олмайди. Турмоқчи бўлади, тура ол-

майди. Оёқ-қўллари совуқда қотиб қолган. Аммо қимирламай ётши қандай фалокатга олиб келишини у яхши билади. Ярлари қақшаб оғришига қарамай қимирлаб туришга уринади.

Махматкул шу зайдла иккى кечая иккى кундуз ўлим билан олишади. Бир неча марта ҳушидан кетади. Аммо яшаш иштиёқи, жангчанинг темир иродасигина ўлимнинг ҳаёт устидан ғолиб келишига йўл қўйлади. Ниҳоят, учнини сафодларни уни излаб топишади. Махматкул дала госпиталига келтирилади. Врачлар қўлларидан келганд барча чорапарни кўрадилар. Аммо оёқ-қўлларини кесмаслике ҷара қолмаган, акс ҳолда у ҳалол бўлар эди.

Махматкул госпиталдаги ҳушига келади: оёқиз, қўлсиз... «Бу ахволда кимга ҳам керагим бор!.. Уш жоқда соvuқда қотиб ўлганинг бундан мини марта афзал эмасмиди!», деб алам билан тўлганади у.

Уни Москва госпиталига жўнатадилар. У ерда иккичи марта операция қилидилар. Уй оч даволангач, Махматкул Тошкент госпиталдаги келади. Яна шифтга тикилганча кунларни изтироб чекиб ўтказа бошлиди. «Қишлоқга бутунлай қайтиб бормайман», дейди у ўзига-ўзи. Лекин жўнашда йиглаб қолган укаларини, севгилисини кўрсиз орзуси унинг тушкун хабарларидан устун чиқади. Ҳемшира қиз қўйнадига Муҳаррамга, ҳамишилоқларига хат ёзди.

Ургут район партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари, қариндошлари бу воқеада хабар топишгач, уни қишлоғига олиб келдилар. Ушандай 1943 йилнинг охирилари эди.

Ешикда берган кўнгил, иш-муҳаббатда содик олижаноб қизматларининг ўша йиллардаги бардоши, жасорати, вафодорликни ҳар қандай қаҳрамонликка тенгиди. Муҳаррам Ваҳобова Махматкуни чидам билди. У билан турмуш қурди.

Мана, бугун Махматкул ака ва Муҳаррам опанинг етти фарзанди бор. Собиқ жангчиги тўнин ўғли Колмурод — шоғёр. У ҳамиши отаси билан бирга. Қизи Муҳадӣ турмушга чиқади, колхода ишлайди. Гулом, Жамолиддин, Малика ва Салимжонлар мактабда ўқимоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз бу чин инсоннинг жанговар хизматларини муносаби тақдирлади. Унинг кўярганинги Қизил Йолдуз ордени, «Жасурлиги учун» медали, Совет қиомиятининг 50 йиллиги муносабатидан чиқарилган юбилей медали безаб турбиди. Унга ҳукуматимиз республика миқёсидаги шахсий пенсия тайин қилди, «Москвич» енгил автомашинаси ҳајд этди.

Собиқ жангчиги вакти-вакти билан мактаб ўқувчилари, колхоз ёшлари йигинларидаги, ҳарбий комиссарликнинг йигилингаш пунктида бўлиб, оловли йиллар хотираларини сўзлаб беради. Махматкул ака кирин етти ёшда. У йигитлардай бардам шуҳтаб. Факат мегин иродали кишиларигина ҳар қандай машақатларни, тўсиқларни ентиб ўтиб, шундай мардона яшайди.

Т. РАҲМАТОВ,

Э. МУЗАФФАРОВ

Зеб-зийнат анъаналари

Ч ЗБЕК халқининг зеб-зийна: санъат жуда қадимий тарихга эга. Ота-боболаримиз нақошлик, ўймакорлик, тоштарошлик, заргарлик, зардўзлик, кулолчилик, намет босиш, гиламдўзлик, тўкувчилик ҳунарлари катта маҳорат кўрсатгандар. Минг-минглаб кўли гул косиблар ўзларидан кичик, қоронги, зах устахоналаридан оламини ҳайратда қолдирган нафис буюмлар яратгандар. Булар инсон меҳнати ва даҳсонаринг абдий учмас жилвалириди.

Халқ амалий санъатнинг нозик турларидан бирни заргарликидир. Нозик зеб-зийнат буюмлари олтин ва кумушдан тайёлрланиб, унга қимматбахо ёкту, зумрад, лазль ва маравирданда кўз қўйилди, сайдан берилади.

Қадимдан Самарқанд заргарлари яслаган қимматбахо камлар, ҳар хил узуклар, тилялоши, баргак, эрик, тумор, зулфак, мургак, пупак, билакузылар, чиройли ҳайкалчалар кенг тарқалган, Шарқ шатто Гарб бозорларидан ҳам қадрланган. 1898 йилги маълумотга караганда Самарқанде эллиқдан ортиқ заргарлик устахоналари бўлган. Бу устахоналарда эгаржабдик, мильтик, килич, камар каби анжомларга ҳам зар берилган, қимматбахо тошлар билан безатилган.

Нафис безакларни самарқандилик заргарлар қолипга қўйиб ясалгандар. Улар бирор буюмга мўлжаллаб тортилган тилла, кумушни чўмичисимон шишига солиб, кўрага қўйиландар, сўнг керакли иссиқлик ҳосил бўлганга қадар дам берганлар. Металл эригач қолига қўйиландар ва буюм шаклига келгунча, кичкина тўқмоқча билан созлагандар. Танёр бўлган маҳсулотга нақш солиш ва гул босишиндан олдин силинклилаб жило берганлар.

Самарқандлик нафис симкори заргар Болта, Вали, Абдулла, Жўра Пўлатов, Асрор Азизовлар ўз ҳунарларидан тенги ўйқ санъаткорлар эди. Ўзбекистоннинг барча шаҳарларидаги каби Самарқандда ҳам қолиплар услубидаги зийнат буюмлари кўплади ишлаб чиқарилган. Одатда, бирон зийнат буюмга

мўлжаллаб тайёлранган пластинкани заргарлар металл қўлига жойлаштириб, пўлат пичоңча ва болғача билан нақш ўйланлар. Бундан ташқари, қолип ёдамидан нақш туширгандар ва беъзан унга қадаладиган асл тошлар учун «яуячалар ҳам ўйланлар. Олтин, кумуш сингари нодир металлардан тўрга ўхшатиб ишланган заргарлик буюмлари «симкори» деб юритилган. Симкори буюмлари ингичка, йўғонлиги ҳар хил бўлган маҳсус кумуш сим топларидан ишланган. Симкори зийнат буюмлари, кўпинча, майда кумуш мунҷоқлар билан безатилар эди. Бу эса бе-законинг қадрими янада оширган.

Хозигри вактда республикализминг Самарқанд, Тошкент, Бухоро каби шаҳарларидан заргарлик зеб-зийнатлари ишлаб чиқарувчи маҳсус корхоналар бор. Улар замонавий дидга мос билакузык, тўғногич, зирақ, тилялош, узук сингари турли нафис зеб-зийнатлар тайёлралашмоқда. Бу соҳада Абдуманон Махмудов бошлиқ

Самарқанддаги бадний заргарлик буюмлари тайёлрайдиган цех колективининг ишлари диққатга сазовордир. Цехининг Нарзи Дўстов, Абдулла Ноисоров, Умар Исмоилов, Анвар Ҳасанов, Феруза Исмоилова каби моҳир усталарининг ишлари таҳсинга сазовордир.

Корхонанинг келажаги порлок. Ҳозир янги бино курилиб фойдаланишига топширилиш арафасида. Ҳалқ бадний зеб-зийнат санъатининг энг қадимли турларидан яна бири мисгарликцидир. Самарқандлик Собиржон Исмоилов, Жўрабой Омонбоев, Иброҳим Шарифбоев, Ҳамроқул Йўлдошев каби мисгарлар кизил, сарик миссад жимжимадор баршак, фотба, тобра, кумғон, обдаста, чойдиш, чилим, сиёҳдан ясаганларки, улар ясаган бундай ўй-рўзгор асбоблари революцияча Москва, Петербург, Новгород, Туркистон ўқасида ташкил этилган кўргазмаларда наомийш қилиниб ва кумуш ҳамда бронза медали билан тақдирланган.



Заргар Абдуманон Махмудов. Самарқанддан олган эсдалик буюмларининг кўпли шу устанинг кўлидан ўтган.

А. КУЗЬМЕНКО фотоси.

ХОЛИС

Кифоя

Хуршидга ҳожатим ўйқ, жонон юзинг кифоя,
Қош остида порлага! қўш юлдузинг кифоя,

Писанд эмас саёҳат, бўстону боғи роҳат,
Сайри томоша учун кўрсан ўзинг кифоя.

Тасодифан ўйнингга камина бўлса меҳмон,
Минг юқизу биззарларидан «сизу бизнинг кифоя».

Тийра-нигоҳларингдан етган жараҳатларга,
Дори, табиб на ҳожат, ширин сўзинг кифоя.

Қадам раёнида қылсанг Холиснинг күлбасига,
Тошга ёзган муҳрдек қолса изинг кифоя.

Эркин УСМОНОВ

ҚОФОЗ ҚУШЧА

Ҳаво булат. Қизғиши, сарик япроқлар шамолга эргашиб у ёқдан-бу ёққа тўзиди.

Бола кўлидидаги қофоз қушчининг қанотларини бармоқ учлари билан авайлаб тикислади. Кейин осмонга отди. Қушча ҳавога тик кўтарилидио сал пастланниб яна учуб кетди. Кейин ариқ яқинига шўнгиди.

Бола уни яна учирди. Яна... яна... Қушучаган сари бола кувонар, ҳадеб қўйирилди, иргишлаб кетидан итогурар эди.

Қушча ҳавога кўтарилиди. Кўтарилидио қайтиб ерга тушмади. Қучнинг нариги томонидаги ўй олдида қомат қўйиб ўсган ўрик шоҳларига илниб қолди.

Бола бирпас кутди. Қушча тушмади.

Кейин бетоқат бўлиб ўрикка тирмашди. Қичқолмади.

Қўлига тош олиб ота бошлади. Тошлардан бирни, томга тарақлаб тушди. Бола қочишга ҳам улгурмади, ўнинг эшиги зарб билан очилди, йўғон бир киши отиб чиқди.

— Ҳа-а, нима гап! — деб ўдағайлади болага.

Боланинг оқ-сариқдан юзи қизариб кетди.

— Ану... қушчам илиниб қолди!

— Шиферни синдирасан-ку, тирмизак! У боланинг оғзини ёлқасидан тутиб, қаттиқ силлади. Бола дағ-дағ титраб ўнглаб юборди. Қиши бўйси тўнгиллап-тўнгиллап ўйига кириб кетди...

ҲИКОЯ

УСТОДНИНГ НОМАЪЛУМ КОМЕДИЯСИ

Классикларимиз анъаналарини давом этириб, зуллисонайн адаб сифатидар, ҳам ўзбек, ҳам тохик тилларida асарлар яратган Садриддин Айнининг кўп киррални икоди битмас-туғанмас хазина.. Устод архивини варацлагандага топилётган газаллар, иммий-таниди мақолалар, ҳикоя, очерк, мактуб ва саҳна асарлари бу хазинанинг шу вактгача пинҳон қолип келган дурданаларидир.

Адабиётшунос Камол Айн илтифоти билан кўлинига кирган 4 пардали «Лизахон» сатирик комедияси Садриддин Айнининг шу вактгача ёзган цилининг асарларидан биридир. Тоҳникистот ССР Фанлар академияси қошидаги Айнин музейи фондида сақланётган бу кўлэзма устод томонидан ўзбек тилида ёзилган бўлиб, араб баувида 75 бетни ташкил этади.

«Лизахон»да Айнин ўз инкодига хос реалистин маҳоратни, тафсилот услубини тўлиқ сақлақ қолган. Пъесанинг ғоявий йўналиши, ўтирик сатирик пафоси ўттизинчи йилларнинг охирида ёзилган «Судхўринг ўлумни» повестининг ўзбекча вариантига ҳамоҳанг.

Повестда ҳам, «Лизахон» комедиясида ҳам адибнинг аччиқ сатири раси Октябрь революцияси арафасидаги феодал ҳайтнинг ярамас томонларини, бадавлат хонадонлардаги пасткашлик, хасислик ва ахлоқий бузулини фош қилишига қаратилган. Повестдаги Кори Ишкимба, Мадамин-гов сингари, комедиядаги Мирзо домулло, Абдунасимбий, Ҳони афанди, Мұхсинча, Салимбек Азизуллин ҳам ҳужмрон табақаларнинг типик вакилларидир. Уларнинг мағнурасида, юриш-туршида, ҳулиқ-характеридан кўп ўхаш томонлар бор. Кори Ишкимба ва Мадамин-гов — судхўрлар. Улар турли йўллар билан ҳалқни талайдилар, ўз қабиҳ ниятларини амалга оширадилар. Мирзо домулло, Ҳони афанди, Мұхсинча, Абдунасимбий ва Салимбеклар эса «Падарниш» пъесасини саҳналаштириш тарафидуда тўпланишар экан, бу ишини ўз манфаатларига бўйсундирисиши ўйлайдилар. Автор уларнинг шу йўлдаги жиҳарни қиммишларидан ҳаттиқ қулади.

Текин зиёфат устидан чиқиб қолган Мирзо домулло ўлгудай ебичиб, масти бўлар, бир пиёва май учун диндан ҳам, вижондан ҳам воз нечади. Мана, шу эпизод:

«Мирза домулло. (Ўзини тутолмай, у ён-бу ёнга оғиб.)

Союқи, келтир шароби нобни.

Алдаркўса. Жоним билан!

Мирза домулло. Шод кил бир жон ила аҳбони.

Алдаркўса. Жоним билан!

Мирза домулло. Тез бориб, келтир маю шодон эт

мен хастани.

Шод ўлбут шодон этай аҳсабни!

Алдаркўса. Жоним билан! (Тўртқулоқ сопол ҳумчани кўтариб келиб, давранинг ўртасига қўяди ва Мирза домуллога ҳумни кўрсатиб.)

Мирза берай, жомангни, дасторингни бер.

Мирза домулло. Жоним билан! (Чопонини ечиб, салласини бошидан юлиб Алдаркўса томонга отади.)

Алдаркўса. Ҳарнадур жайбингдаги борингни бер!

Мирза домулло. Жоним билан! (Ен чўнгтагидан тасбеҳни ҷиҳозири отади.)

Алдаркўса. Илму идрокингни бер, ақлингни бер,

хушингни бер.

Бўлса номусингни орингни бер!

Мирза домулло. Жоним билан! Берардиму лекин афусуски буларнинг њеч бири менда йўқ-да..»

Ҳужмрон доира вакилларидан яна бири Азизуллин — инадидарнинг мағнураси. У маҳалли буржуазия манфаатини Ҷайлайди, мактаб-маориф ривокни учун «жон кўндиради». Мұхсинча «Падарниш» томосинчадан фойдаланиб, ўзининг бузуқ ахлоқига эри бериади. Лизахонга «ошиқ» бўлиб, уни ўйни тақлиф қилиди. Лекин хизматкорининг тадбиркорлиги туфайли шармандаси чиқиб, фош қилинди.

Мұхсин шундаки, Садриддин Айнин «Лизахон»да ҳам, худди «Судхўринг ўлумни»даги наби, эксплуататор синф вакилларига меҳнатнан ҳалқ орасидан чиқсан доно, тадбирли, олижаноб кишиларнинг образларини қарши қўяди. Пъесада улар Алдаркўса ва дўлобкал номи билан юритилади. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» комедиясидаги Мулладустга ўхашаш, булар ҳам ҳалы оғзаки ижодининг ҳақмонларига хос фазилатларига эгадирлар. Алдаркўсанинг дўлобкал билан тил биринтириб, артистка Лизахон қиёфасига кириши, Мұхсинчанинг «ошиқини» матлаби айни шуладиган пайтда юзидан икебини очиб ташлаб, уни шарманда қилиши комедиянинг ўтирик сатирик моментларидан.

Комедия тилининг ўз жанрига монанд содда, ширали, жонли бўлиши, унда ҳалқ кўшициларнинг қўлланийиши асарнинг умумий руҳига жуда мос тушсан.

Устод Садриддин Айнининг «Лизахон» асари комедиянинг энг яхши намуналаридан бўлиб, унинг ўзбек совет адабиёти ҳазинасига қўшган асарлари қаторидан муносаб ўрин эгаллаши шубҳасизdir.

Раҳим МУҲИМОВ,
филология фанлари кандидати



Самарқандлик машхур куол Умар ота Жўрақулов.

А. КУЗЬМЕНКО фотоси

СОПОЛЛАР СЎЗЛАЙДИ

Афросиёбда юз йилдан бери археологик қазувлар олиб борилади. Ана шу давр ичидаги қончак куоллар маҳалласи топилди. 1960 йили Афросиёбнинг ғарбий қисмидан топилган маҳалла айниқса дикқатга салзор. Бу ердан бир неча ҳумдон, куоллар ўйи ва устахона чиқди.

Ҳумдон билан устахона ёнма-ён экан. Устахонада қозон, кўз, қопқоқлар тайёрланган. Сомонийлар ва корахонийлар зарб этган тангалар хамда сопол буюмлар устахонанинг X—XI асрлардаги қурилганни кўрсатиб турибди. XI аср ўтарларидаги душман ҳукуми вақтида вайрон бўлган. Кейинчалик куоллар Афросиёбнинг жануби-ғарбий тарафига кўнгланар. Куоллар маҳалласини қазиш давомидга саккиси ҳумдон, хумхона ва бир неча ўй, ҳовли очилди. Куоллар кўчма ўчоқарни лойдан ясад, ҳумдонларда пиширганлар. Ҳумдон билан ўчоқлар кашлар билан безатилган.

Куоллар маҳалласининг қоқ ўртасидан шахарни марказий кўчаси кесиб ўтган. Мана, биз ўша тош кўчада кетялимиз. У худди яқиндагина қурилгандай, текис ва равон. Ҳаёл кишини узоқ ўтмишга етаклайди. Ҳар бир тош босқинчиларнинг вахшийликларини, ота-боболаринизнинг заҳматкашларини, яашаш, яратиш ўйлайдиги интилишларини, орзуларини унис ҳикоя килиади.

Сўл ёқдаги эшикдан куол ҳовлисига кирдик. Гишт терилган йўлка ҳовли саҳнадаги бинога олиб борди. Уй қандайдир фалокатни бошидан кечирган, ўтишиб ҳамма ён кула гайланган. Ўй-рўзгор буюмлари синган, шиша-идиши парчалари оёқ остида сочилиб ётибди. Кўшини хонага кирдик. Ҳамма ёқ кул, кўмир, гишт парчалари... Ўйнинг тўрида супа, супага пишик гишидан қилинган галадон ўрнитилган. Галадондан кула кўймил қолган куол ғоруғчи... Ёргўчук бўйе вир тайёрлаш учун майданда тошларни майдалашда ишлатилган.

Бошина хонада катор тизилиб турган ўнта бус-бутун ҳумга кўзимиз тушди. Ҳумлар ичидаги ҳар хил бўйёларни кўриб ҳайратда қолдик. Бу — куолларнинг бўйе бўйе сақлайдиган ҳумлар экан.

Ноҳоят, одам бўйи келадиган ертёлага тушдик. Бу — сардоба. Ўнинг деворлари, шифтлари хом фиштдан гумбаз шаклида ишланган. Ўста асрларда шаҳарлар мудоғаф деворлари билан ўралган, одамлар яшаган ховлилар эса тор бўлган. Шунинг учун ҳар бир хонадон битта ёки иккита сардоба кўриб олган. Одамлар жазира маҳалла куолларига тушиб жон сақлаганлар. Сув ва тез бузиладиган озиқ-овқат шу ерда сақланган.

Айниқса, бу ердан топилган битта лаган катта илмий аҳамиятга эга. Лаганинг ўртасида кабутар тасвирланган. Кабутар оқ фонда қизил ва кўнгиро рангда зўр маҳорат билан чизилган.

Ўрта асрларда Самарқандда сопол идишлар билан бир қаторда шишидан ясалган ўй-рўзгор буюмлари ҳам кўлланилган. Айниқса, мушк-анбар, атир, сурма сақлашга мўлжалланган ҳикоят нағис ва бежирим идишчалар, кўзачалар, таксимчалар кишини таъжижубга солади. Ҳушсифат кўзда, гилюфли билурий сиёҳдан ва шамдонларнинг нақш ўринда арабча ёзувлар билан безатилганлиги археологларни жуда қизиқтиримоқда. Ҳакиқатан ҳам куолчилар санъати эрамизнинг XI—XII асрларда Сармарқандда ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди.

Ш. ШОРАҲИМОВ



НОДИР МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Фанлар институтининг Абурайхон Беруннй номидаги Шарқшунослик институти қўйлэсмалар фондида нодир бир аср сацланмонда. XVI аср қозикона хужжатлари йигилган бу кўйлэма «Мажмуна васоий» («Васиқалар тўплами») деб аталади. Инда ер савдосига, қуллар, шогирлар аҳволига доир маълумотлар ҳамда мухим юридин хуҗжатлар келтирилган. Мажмуна Самарқанд шахрига багишланган, бироқ у Ўзбекистонинги XVI асрдаги социал-интисидор манзараси ҳақида ҳам кенг тасаввур беради.

Тўпламда васиқалар киргандирларин тўрт томон чегаралари, сотилган нархи, одамларнинг наеб-кори, исмлари, миллати аниқ кўрсатилган. Васиқалардан ўша давр Самарқанд шахрининг кўчалари, маҳаллалари, ҳуллас, шахар топографияси ҳақида анча мумкаммал тасаввур олиш мумкин. Айниқса, Самарқандда наеб-хунар нечоғли ривожланганлигини кўрсатувчи мисоллар характеридир. Масалан адрасбофон — қимматбахо ипан газлама тўкувчи усталар, атторонгубол — дори-дормонлар, ула-элин сотувчи дўйнолар — читгарон — бўз ва сурға қул босувчилар, дегрезон — чўяндан қорақозон, қумғон, офтоба каби асборлар қиуҷавилар; дугтарашон — пакта ва жун йиригувчилар; жибабатон — соғуз ясовчилар; жигачиён — туя ва отларнинг эгарига жига ясовчи усталар; зардўзон — зар билан беатитиган либос тикидиган усталар; зарробон — пулларга нақш соладиган, мұхр ва сурат ўйдиган усталар, намонгарон — ёй ва намон ўй ясовчилар, муҳриканон — муҳр ясовчилар, нақодон — нуқра ва тилла пулларга безак солувчилар, нассожон — тўқимачилар, пардоғарон — тила, нумум, темир ва ётог буюнларга жило берувчи усталар, почнажурушон — тилладан бодом шаклида безак ясовчи заргарлар; санѓтарашон — тош йўнувчилар; симашон — темир ва пултадан узун нозик сим тайёловчилик; саббогон — бўйчилик; сиқаротмалон — ҳар ҳил жундан чаҳмон босиб чиқарувчи усталар, чоргулбофон — сўзана, палак, рўмол ва дўлпилларга гул со-лувилик ва ҳоқазо. Бундан ташкири қозоз ясовчилар, тери ошловчилар, пўстидандўлар, мўйнадўзлар, новой, ошпазлар, китоб муқоваливчилар, ширинплазлар изби тўқондан ортиқ турли наеб ва ҳунарлар ҳақида қизиқарли материаллар бор. Шунингдек, Самарқанд шахридан 250 га япон қўча, маҳаллага таъриф берилган. Бу — шаҳарнинг ўша вақтда жуда обод бўлганлигини кўрсатади.

«Мажмуна васоий» тарихчиларимиз, қўхна маданиятимиз мухлислари учун қимматбахо манбалардан биридид.

Баҳром ИБРОҲИМОВ.


ТЕМУР ДАРВОЗАСИ ЁНИДА

Чўл шамоли ва շув томчилари жазирама Мирзачўлдан оромбахш Зарафшон водийсига ўтиш учун бу ерадаги кояларни минг йиллар давомида нуратиб, мана шундай дарвоза очган. Кўп қадими афсоналарда тилге олинидиган бу коялар ҳозир сайдёларни ўзига тортувчи жой бўйлиқ қолган.

Яккисда Темур дарвозаси ёнида гўзал оромгоҳ барпо этилди. Туристик комплексда ресторон, кафе, соввалор магазини каби обьектлар ҳам бор. Мевазор бор, узумзор-лар яшамонда.

Сангзор соҳилидаги бу оромгоҳ манзил режасини Центросоюз лойиҳа институтининг Тошкент филиали коллективи тузган эди.

Ш. ЗАЙНИДДИНОВ



НОНИ ОСИЁ

Самарқанд нонларининг номи ҳам, хилли ҳам куп. Кишиларнинг ёши ва иштиёқига қараб, улар турли-туман бўлади. Болаларга ширин кулча, кампирларга пиёсли нон, йигитларга жазали нон, сафарга чиқаётгандарга «совға» нон таъёрланади. Шўргага патир, ширчоғай эса нони тафтон қўядилар. Нони осиё (тегирмон нони) нонуштада ҳам, тушлик ёки оқшомда ҳам иштаҳа билан тановув килинади.

Юпқа нон тўй-маъракаларда ёпилади, уни нишодага ботириб ейшиади. Патир шўрга билан, нони кўлбоди қаймоқ билан, ширмон мурраба билан истемол қилинса, яна хуштав бўлади.

Самарқанд нонни тавми, кўрниши, ҳатто хиди билан ҳам диди нозик кишиларга маъқул ва манзур бўлмай қолмайди. Шунинг учун ҳам унинг шурхати оламга кетган.

Эшитимизга қараганда, дунёнинг ҳатто ҳеч бир ерида бундай нонни ёпа олмас эканлар. Ҳатто бир вақтлар Бухоро амири Самарқандан ун, суз, туз, тандир оддирб бориб, нон ёптирганда ҳам мазаси Самарқанддаги бўлмаган эмиш...

Нони осиё Галлорорпорат будгойдан ёпилади. Галлорорлаги қишлоқларнинг номлари билан аталадиган Усмат будгойи, Оломсой ва Оқтош будгойи, илгаридан машҳур. Бу будгойлар шахарнинг шарқий қисмидаги жойлашган Галасосиye гузаридаги тегирмонларда тортилди. Самарқанд нонлари ҳам асосан Галасосиye Қўлбод гузарларида ёпилади. Тандир эса шаҳар чеккасадиги Конигил деган жойда олинидиган гилмояга эчки, от жунларидан хуруш қилиб ясалади. Тандирдан кўпичча шахарнинг Даҳбеди гузаридага яшовчи усталар таъёрлашади. Сироҳ Истроилов. Абдулла кулол, Холбой кулол

каби тандирсозларнинг номини самарқандилар яхши билишади.

Нон ёпиладиган тандир фўзапо билан қиздирилади. Нони пўлотуни тандирдан узишдан бир оз оддин қамиш пўстлоги ёқидади. Ушанда нон яхши қизаради.

Нон ёпининг ҳам ўзига хос технологияси (ун элаш, ҳамир қориши, ачитиш, ёпиш, узиш ва ҳоказо) бор. Бу технологияни, таом тайёровчи мутахассислар ўрганишса ёмон бўлмасди. Садиддин Айни номидаги Самарқанд педагогика институтининг студенти Замира Раҳмонова «Самарқанд новвойларининг лексикаси» деган мавзуда илмий иш олиб бормоқда. УЎрта Осиё студентларининг Фрунзе шаҳрида ўтказилган конференциясида диплом билан таъдириланди.

Самарқанд ноннинг шурхати галлакор, тегирмончи, тандирсоз, новвойларнинг асрлар давомида тўплаган таъкибаси, ортигирган малакаси, маҳорати туфайлидир. Эргаш новвой, Сайдурод Абдуллаев, Гадой новвой, Сангин хола Миризаева, Муқамбар буви сингари пазандо новвойларни Самарқандда яхши билишади.

Новвойларимиз шурхати галлакор, тегирмончи, тандирсоз, новвойларнинг асрлар давомида тўплаган таъкибаси, ортигирган малакаси, маҳорати туфайлидир. «Самарқанд — 2500», «Самарқанддан совға», «Самарқанддан Тошкентга совға» деган ёзувли нонлар ҳар куни тандирдан узишмоқда.

Яккисда АҚШ Коммунистик партиясининг раиси Самарқандда меҳмон бўлди. Унга новвойларимиз тайёргарсан «Генри Уинстонга Самарқанддан совға» деб ёзилган кунтуродор нон тортиқ килинди. Нони осиё ноннинг шурхати узок қитъаларга ёйилмоқда.

Ҳ. ҲАМИДЗОДА



Самарқанд бозори ҳамиша тўкин-сочин.

Б. МИЗРОХИН фотоси.

ТАНСИК МЕВАЛАР

Эргаш отг Муродов Девкор ота номи билан машкүр. 73 ёшга кирган Эргаш ога ҳозир ҳам Самарқанд районидаги «Ўзбекистон» колхозининг пешакада звено бошилларидан бири. Девкор ота кўулар қатори ўзи туғилиб ўтсан юрти билан фахрланади, унинг тарихи аънана, урф-одатлари, диккатла сазовор жойлари, ноз-неъматларини қадрлайди. Самарқандинг нодир ноз-неъматлари ҳақида муҳтараам отaxon шундай дейди:

— Минг қатла шукурки, юртини мавзурлики, дастурхонимиз йилдан-йилга тўкин-сочин бўйи боряпти. Камёб шоколадлар, чаноқнин босадиган ичимликлар, тортлар таоминга айланб қолди. Булалинг ҳаммаси тўқчилик нишонаси, албатта. Аммо кўпинг нодир ноз-неъматларимиз камайиб, ўйқолиб кетаётиди. Гоҳ турби-турби ана шунга хафа бўламан.

Самарқандда меҳмон бўлсангиз пай-қагандирсиз: кўпичка дастурхон тегасида ўтирганлар ранг-баранг шоколадларнинг қофозини ҳам очишмайдио, шўр данак — дона шўракни чақиб эрман қилишади. Негаки, бўлалан конфет дарров мөддага теголди. Дона шўракни бўлса еган сари енгингиз келади.

Ўттизинчи йиллардаги меҳмондор-

чиликлар яхши эсимда. Дастурхонда дона шўракдан ташқари шинни, бодом, писта, ёнгок, майиз, ковунқоқи, тутмайло, туршак, нұхатийрон, мусалас, ширмой патир, бодроқ, зогора нон, сумалак, ҳалиса, холвайтар, аштаклар бўларди. Бу неъматларнинг кўпилиги якин йилларгача бор эди, ҳозир негадир тақчил бўлиб қолди.

Ўзимча бир нарсага ҳайрон қоламан. Ҳар йили қабул пункларига тонна-тонна нутрия топширилди. Заводда ўрикнинг данакларни ситиб олиб ташланади. Ана шу данакларни нима қилишар экан? Ташлаб юборшармикан! Ундан дона шўран тайёрлаша бўлмайдими? Қовурилган нўхат — нұхатийрон ҳам камайиб кетди. Ахвол шу бўлса: ўн-ун беш йил ўтиб, болаларимиз нұхатийрон дессанг, анграйиб қараб турдиган бўлади. Менинчя, ана шу шахримизда тансиқ ноз-неъматларни тайёрлайдиган корхона очилиши керак, тики мэхмон ҳам, мезбон ҳам ҳалқимизнинг бу кутугу ноз-неъматларидан доим баҳраманд бўлсин. Шахримизда озиқ-овқат техникими бўлсин. Ана шу техникиумда ҳалиги алтган ноз-неъматларни тайёрловчилар бўйими очилса, дуруст бўларди.

Ёзиб олувчи Н. РАҲМАТОВ.

Ўзбекистон дала-даштларидаги 70 га юцн ёввойи пи-ѓа турлари бор. Баъзилларнинг совогидан аҳоли кўн сифатида фойдаланади.

Пиёзи анзур ҳам ёввойи пиёзлар оиласига мансуб, У Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг деңгиз сатҳидан 900—2800 метр баланд адир ва тог ён бағирларидаги, чириндига бой бўз тупроқни қибликларда ўсади.

Пиёзи анзур марта оидан бошлиб ердан кўнариб чиқиб, апрелнинг иккича ярми — май ойининг бошида гуллайди. Июнь-июль ойларидаги уруғлайди.

Пиёзи анзурни мишидан ва уруғлайди кўлайтириш мумкин. Ҳосили бағлари курбиг, уруғлари пишиб этишганидан кейин кавлар олинади. Ҳавоси тоза, офтоб тушмайдиган хоналарда бир қават қилиб ёйиб шамол-патиб қутиллади. Қутилган пиёз куз ва эрта баҳорда экилади. Уруғлайди кўлайтириш учун эса, уруғларни июлнинг охири ва август ойида ўнгигиб олинади, са-

ПИЁЗИ АНЗУР

раланади ва маҳсус халтачаларда сақланади. Кузда ва эрта баҳорда бир сантиметр чуқурлиқда экилади. Униб чишик муддати иқлим шароитига боғлиқ.

Пиёзи анзур Қитоб, Самарқанд, Панжакент заводларидаги консерв қилинади. Таомларимизнинг сиркалайдаги тайёрланинг бу хушхўр хурушига аҳолининг эҳтиёжи катта. Афсуски, бу эҳтиёжни консерв заводлари ондира олмаёттили — пиёзи анзурнинг табии запасларидан тўғри, планиравиша фойдаланимаганини сабаби сўнгиги йилларда унинг табии запаслари жуда камайиб нетган. Пиёзи анзурдан фойдаланиб келадиган совхоз-колхозлар эса негадир уни маданий йўл билан кўлайтириш тадбирини кўрмайтилар.

А. ХОЛМУРОДОВ

ҚАДАҲЛАРДА КҮЁШ

Бундан бир аср муқаддам, 1868 йилда, саводагор Дмитрий Филатов Самарқандда вино ишлаб чиқардиган кичинава завод курдирди. Бу заводчадаги асбоб-ускуналар жуда оддий, иш кўлда бажарилар эди. Шундай бўлса ҳам, орадан тўрт йил ўтга, Париж ва Антверпенда ўтказилган жаҳон конкурсларидаги самарқандлик Филатов виноларига олтин ва кумуш медаллар берилди. Самарқанд виноларининг жаҳон бўйиб саёҳати ўтган асрда бошланган эди. Эндиликда заводнинг тўқиси хил виносидаги мукофот муҳрлари бор.


Бу кичкина завод Октябрь инқилибидан кейин йирик саюват корхонасига айланди. Ёш Ўзбекистон республикаси заводни қайта курнига ачагина маблаг ажратди. Ўттизинчи йилларга келиб завод 200 минг декалитрдан кўпроқ хуштамъ ўзбек винолари тайёрлайдиган бўлди.

Заводнинг ҳозирги шуҳрати 1927 йилда Ўзбекистондан келган рус олими, ким्�глар Михаил Александрович Хов-

ренконинг номи билан бўғлиқ, Ховренко «Гулякандоз», «Ширин», «Ликёри Каберне», «Ўзбекистон», «Фарҳод» деган вино навларини яратди. Бу винолар дастлаб Самарқанд вино заводидан тайёрланди. Ҳалкарко кўргазмаларда олинган олтин ва кумуш медаллар бу виноларнинг шуҳратини яна ҳам ошириб ўборди.

Хўш, булав қандай винолар! Бу саволга заводдаги винолар омборхонасидан жавоб топасиз. Бу омборхона барпо этиглана юз йил тўлди. Торгина зинапоялар сизни ер тўлладига жононлар бўйлаб илгари бошлидай. Ана, узунчок шишаларда Д. Филатов ишлаб чиқарган винолар, беригиси саксоничча йиллар маҳсули. Уларни М. Ховренко тайёрлабган. Ҳар бир шишанинг ўз ўрни, ўз «пласпорти» бор. Боз омборчи уларнинг тайёрланган йилини, қайси навдаги узумдан эканлигини, таъми ва сифатини янглишишай айтти беради.

Жаҳонда ягона ҳисобланган



«Гулякандоз»нинг муаттар хушбўйиги нима етсан! У кишишидан тайёрланади. «Алеатико»дан латиф гул хиди тарапади, «Ликёри Каберне» шоколад таъмини беради, «Ширин» яхши кайфият бағишлидай, «Хосилот» иссиқ ҳавода чаноқни босади, олтин ранг «Буваки»дан беҳи маъзаси келади...

Ўзбекистондаги 14 та завод ишлаб чиқардиган винолар 67 медаль олган, шулардан 28 таси Самарқанд вино заводининг маҳсулотларига берилган. Венгрия, Югославия, Ру-

миния, Болгарияда, шунингдек, Бутунитифоқ Ҳалқ хўjalиги ютуклири кўргазмасида уюнтирилган жаҳон ва Итифоқ дегустацияларидаги жиори азоларининг асосий кисми Самарқанд виноларини ёқлауб овоз берисди.

Қўйингиздаги кичкинагина қадаҳда Ўзбекистон кўбшининг шуъласи акс этмоқда. Республика соҳибкорлари, виноччилик усталири ана шу қадаҳдаги кўёш нури инсон қалбига куч бағишилаши учун сидқидилдан файрат қиммоқдалар.

М. АҲМАДЖНОВ

САМАРҚАНД НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ЖИФИЛДОН КОРИ

Хожи ҳисобчининг ҳикояларидан

ОДАТДА, кечки паловдан кейин ярим соатча чойхўрлик қиласмиз. Шундай пайтларда Ҳожи ака билан Нормирза акага худо беради-да! Куйини ҳам, сўзини ҳам факат икколовлари биладиган бир ашула бор. Шу ашулани Ҳожи ака столни ногора қилиб вайтиб туради, Нормирза ака ўртага тушиб, аломат мукоммлар қилиб ўйнайди. Ашуланинг бошланиши тахминан шундайди:

Ошқозоннинг уволи-б
Майтур туручини хўрдоси,
Фаранг рўмёл оберинг-o,
Ўргилин кетаб, дадоси...

Бу сафар негадир, ошнинг олдидан «қит-так» бўлмаганинг, Ҳожи ака ашулага ҳафса-ла қиласди. Бир чеккаси, паловдан кейиноқ ошпазни раис чакириби қолди. Шунинг учун Ҳожи ака пиёладаги чойга термултанича хо-муш ўтираш эди.

— Ҳожи ака! Пиёладаги сувга ташлаб, фол очапсизми, индамай қолдингиз?— деб унинг қитигига тегди бухгалтеримиз Абдуҳамид ака.— У ёқ-б ёқдан гапирсангиз-чи!

— Э, ука, қўйматнинг чегараси бор деган-ларидек, гап халте ҳам тубисиз эмасда, таги кўриниб қолди! Яна нимани гапирсанаман?

— Ҳеч бўлмаса, Бурҳон корини қандай қи-либ кўлга тушурганингизни айтб беринг.

Ийотган нарасини излай-излай зўрга топ-ган кишидайд, Ҳожи аканинг чехраси ёришиб кетди:

— Оббо, бадбахт, уни сен ҳам биласанми? (Ҳожи ака гоҳо яхши кўрган кишисини «бад-бахт» деб сўяди).

— Турсун Аҳмадийдан эшитувдим. Ўз оғ-зингиздан ҳам бир эшитсан...

— 1946 йилнинг жазирамиён ёз пайти эди,— деб сўзга кириши Ҳожи ака,— катта уйга сувни сепдириб, кўйлагимни бўйдик йигитлар-дай захта берирб ётсан, даб-дурустдан кўча эшникнинг олдига «ғит» этиб бир машина келди-да, устма-уст сингал берга бошлади. «Оббо, яна нима кор-хол бўйл қолди?» деб ташкирига чиксан, райижроком раиси Абдуғани ака-нинг «виллиса» дейниладиган машинаси. «Хўжа-йин сизни, тез олиб кел, дедилар», деди шо-фер бора. Дарров йўлга тушдид.

Райижрокомга борсан, раиснинг кабинетида «Озод» колхозининг ҳозирги бухгалтери Турсун Аҳмадий ҳам ўтирибди. У эндигина армиядан бўшаб келиб, ҳали ишга жойлашмаган эди.

— Келдингизим, қанни ўтиринг,— деб жой кўрсатди Абдуғани ака. Аммо вожоҳатини кўрсангиз, кўркасиз: лаби тўмтабий, ковоги осилиб кетган.— Ган бундок, Ҳожи ака: кечи райиж-роком президиуми «бирлиқ» колхозининг тўрт йилини ишини тафтишдан ўтказишга қарор қилиди. Мана, қарорнинг бир нусхаси. Турсун Аҳмадий икколовларини шу, ердан чиқибоқ, колхози борасизлар. Тушунлариди-а!

Мендан бўлаб одам бўлса, ўша топда оғиздан чиққанини бўғизга ёпишириб: «Йўк, тушунларни эмас, оларларидан кайси ҷолдеворда ётган ола мушни ўта қолдик, сиз, Аб-дугани ака, районнимизнинг ўтиборли раҳба-ри, даб-дурустдан тельба тўнингизни тескари кишиб, ўзингиз билин бир товоқдан талашиб

ош ўйдиган ҳамқишлоқ дўстингиз Махмуджон Мирзахоновнинг колхозини тафтишга буюриб қолдингиз!» дерди-я, аммо мен одоб сақлаб, индамадим.

Аҳмадий билан чиқиб кетаётган эдик, Аб-дугани ака:

— Ҳожим, бир минутга тўхтанг,— деб мени эшик олдидан қайтарди.— Кўнглингизга келма-суну лекин сизнинг ўзингизга тайинлаб қўяди-ган жиндак гап бор.

— Нима гап экан?— деб сўлпайтиб турвердим. Абдуғани ака даромедни қеёқдан бошлашими билмай, бир пас индамай қолди.

— Гап шу,— деди нимоят, менинг ҳам қав-зиятим туттиб турганини пайб.— Тафтиш туга-гунча ҳалиги сабилни илло оғзингизга олма-сангиз...

— Шуми? Қуриб кетгурни аллақачон ташла-ворганиман,— дедим умримда биринч мартга ёлғон гапири.

— Ҳада, жон ака!

— Хотиржам бўйнинг!

Шундан акали бир кун аввал бирон киши:

«Ҳожим, эртага сен «бирлиқ»да тафтиш бош-лайсан», деса, «Ҳе, ошина тушинги сувга айт, «бирлиқни» тафтиш қилиш бизада Ҳожиларга йўл бўлсин!» дердим. Мана, бугун «бирлиқ»ка келиб, ҳамма ённи альф-далғов қилиб турив-ман. Соясига жойнамоз солмагунингча саломингта алини олмайдиган Мирзахоновнинг ўзи пайтавасига курт тушгандай бесаранноман. Уша вактда «бирлиқ» — райдон тугул, бутун областида «мана мани» деган колхоз эди. Ой ҳам шу колхоз учун чиқарди, кун ҳам! Иш аксига олса, шунака бўларкан ўзи. Флакот босмаса, райижроком ҳам, келиб-келиб, уруш даври-даги ишини тафтиш қилиши бўюрадими! Ундан кўра: «Ҳой Мирзахонов, кўрла-естигиннинг таниғиб, йўлга тайёр бўйл тур, эртага орқангизда одам тушиб, жойи ростонингга этлиб қўя-ди», дегани афзал эмасми?

Шу деб қўйинг, катталердан тортиб отбокар-гача, омборчидан тортиб бобонгача атрофи-мизда парвона, ўтқизганни жой тополмайди. Колхоз бобингин қон ўтрасига азиз меҳмонлар учун пароходнуска қилиб солинган гулдор, нақшинкор шийпон бизнинг ихтиёримизда. «Тафтишларининг кўнгли нима тиларкан?», деб дамо-дам оғизиними пойлашибди. Биз бўл-сак, райижрокомдаги гапга аман қилиб, сир бой бермаслика ҳаракат қиласми.

Аммо тўйдай тўнгизисиз бўлмайди! деган наклини машихлар бекор айтишмаган-да! «Тафтишдан қандай чиқарханмиз?» деб, ҳамманинг жони халагу факат бир киши сира пина-гини бузмайди. Келган кунимиз кўллининг учунни бериги сўрашганича, орадан бир ҳафта ўтиб борялти ҳамки, на эртапаб ундан «салом» бора, на кечиурган «хайр-мазъур». Асқатгандаги чакириб қолсан, бирров кирадио сўрганимиздаги нарига ўтмайди, кейин яна корасини кўрсатмай кетаверади.

Унинг кимлигиги айтмасам ҳам фахмалаган-дирис: гап колхозининг боз бухгалтери Бурҳон кори устида кетяпти. Ушанда Бурҳон кори ўзи ишлаб турган колхоз тугул, бутун райондаги бухгалтерлар орасидаги гурӯннинг орасига адашиб тушиб қолган маккакўҳорни донидай турарди; биз, ҳамма бухгалтерлар, меҳнат куни эвазига ишласак, у четдан ёлланган му-

тавхисес қатори шартнома асосида ишлаб, кол-хоздан ҳар ойда тайинли миқдорда маош, ун, гуруч, ёғ, ўти, борингки, асалгача олиб турарди. Район марказида бирор йиғин ё мэлърака бўйл қолса, «бирлиқ» колхозининг бухгалтери Бурҳон корини ёш бола ҳам ёзда эгнидаги он шойи кўйлагига, кишида кундуз ёқа пальто-сига қараб, узоқдан таниб оларди. Бурҳон кори новча, калласи катта, дўнг пешана, пастки леби дўрдайлан одам эди, гаплашган маҳалда ҳамсұхбатига чап кўзини сал қисиб қўйса, худ-ди «сенинг гапиним нима» дегандек тулояларди.

Кечкурунлари шийпонда дам олиб ўтирган пайтимизда, қорининг хулқ-атворини эслаб, Ах-мадийнинг Фигони кўкка чиқарди. Ўзим, бу атрофда Аҳмадийдек тажхид одам йўқ-дай Сал нарсадан кўнгли олинса, иккала бетига кон телиб, бўйнидаги томирлар ўқлоғидек ўйнаб кетди. «Буни қаранг, Ҳожи ака,— деб хуноб бўларди Аҳмадий,— тафтиш вақтида бирор иш-калиб топиб қолсан, тўмоконинг катасин қорининг бошида ўйнайдио ҳанзу парвойи палаг-ал Одамгарчиликни ҳам кўя турингу ақалли ҳам-карабалии хумрати кечкурунлари мундоқ ке-либ, иккисига гаплашиб ўтирас, совлиги улоқ туғиб қўйдамиш! Тавба, одам ҳам шунака бета-мис бўйдамиш!»

Бир куни шу зайлда гаплашиб ўтирас, дас-турхон тузади билан овора бўйл юрган ошпаз йигит сувхатинизга аралишиб қолди.

— Қори акамлардан чакки ҳафа бўляпсиз-лар,— деди у дастурхонга нон қўяр экан.— У кишининг табиатлари асли шунақа: одам зотини ўнча ётиклимайдилар. Деразасига кора парда тутилган ҳужраларига кириб оларнича, у ерда нима қилёвтганиликларини худои таоло-нинг ўзиго гоҳ-гоҳ олдиликларига кириб турувчи ёрдамчиларни Ҳаниғафон билади, хо-лос.

Ошпаз йигит дастурхоннинг паст-баландини тўрилаб, қаддини тиклади-да, бошлаган гапи-ни охирiga гушидри:

— Қори акамлар, назаримда, бу дунёнинг ишларидан ихлосларини тамом қайтариб, нўх-тапларди олганлар. Тўрт киши жам бўлган жойга қадам қўймайдилар. Шартномага ишлармиш-лар, деб шитимизу лекин омбордан бир кафтун-дун олганларини кўрган эмасмис. Ҳар ҳа-фтининг охирда шахарга бола-чақаларининг олдиги велосипедни салт миниб тушиб кетаве-радилар. У киши ана шунақа ҳалол одам!

— Булмаса, фершитнан ўзи экан-да қори аканги!— деди ошпаз йигитнинг «бўйронлиги-дан» энсаси котиб турган Аҳмадий кесатик билан. Лекин ошпаз кесатикини тушумади.

— Ҳа, ўлманд, энди ўзингизга кедлингиз,— деб ошхона тарафда ўтиб кетди.

Ошпазнинг сўзига мен ҳам ишонмаган эдиму лекин эртасига кассадан ўтган иккисига ҳужжатга кўзим тушгач, ҳайрон бўйл қолдим. Бирда айтилишича, Бурҳон кори 1945 йил ар-рель ойининг сўнгига кунидаги колхозга ўз эл-лис минг сўм қарз бериди, иккисига ҳужжатга асосан шу пулни кузда яна қайтариб олибди. Оддийдан бир бухгалтер бутун бошлиқ колхозни салким ярим миллион сўмга қарздор килиб ўтирас! Ахир, бу иккисига қишлоқ ўзхаликли банксининг ўзи-ки! Етасидан бир хум тилла қолганини санталожонинг!

Бунинг сирини аввал қорининг ўзидан сур-ширилди. У Боягидек белварлик билан:

— Колхоз замёға ўйл тополмайд, қийналиб турган кез эди. Шаҳарга тушиб, маҳалла-кўй, қариндош-ургулардан шу пулни йигитшириб олиб келдим,— деб қўя қолди. Унинг гапини расим ҳам тасдиқлади. Кизик, қорининг заб ба-давлат ургуслари бор эканими? Е заргар маҳал-ласиди турармикан?

Тафтиш ўз йўлида кетаверди. Батъзibir жузий камоматларни ҳисобга олмагандо, ун-чалик ваҳима бўладиган кусур толпа олидик. У вақтилерда кўйчиликнинг «иши битсин» учун қилинган айрим гайри конуний ишларга, агар балои нафс иштироқидан холи бўлса, биз ҳам кўп-да эътибор бермасдик. «Бирлиқ» колхози ҳакиқатан ҳам мақтаганча бўлсан.

Энди актни ёзиб, райижрокомга топширасак ҳам бўлаверади эдик лекин колхознинг давлат бинасидаги жорий ҳисобдан олинган кўчири-маларни бухгалтерия дафтирага тақсослаб кўриш вақтида бир ишлаб чиқиб қолди: 1945 йил аррель ойда «Хлопторг»га ўй беш минг сўм пул ўтказилибди, дафтирага расимишлештириш пайтида шу пулга нима учундир «Хлоп-торг» қарздор бўлиниб, у ўн учинчи ҳисобга,



яъни ишлаб чиқарыш харажатлари ҳисобига ёништириб кўйилибди. Йил охирда бошқа харажатларга аралаш-куралаш қилиб деромаддан чегириб ташланиди. Қизиқ! Ақлга сиф-майдиган гап!

Айтганча, сизларга аввал «Хлопторг» нималигин айтмасам, воқеани тушунмайсизлар. Ўша йилларда «муқобил савдо» деган гап бор эди. Давлат колхозларнинг топширган пахтаси зазагига маймун мидор бурдой, пахта мояи, соғун, кунжара, чой, газлама берарди. Давлат билан колхозлар ўртасидаги борди-берди «Хлопторг» деган маҳсус савдо ташкилоти ор-қали амалга ошириларди. «Хлопторгдан нималики олинса, ҳаммаси колхозчиларнинг меҳнат кунига граммлаб, сантиметрлаб тақсимланади. Гапимга ишонмай, илжаяпсизлар-а! Майли илжавверинглар. Кўз ўнгингизда колхозчи кас-садан жарак-жарак пулни санаб олиб, мага-зинга чиқади да, дохласа, газламан метлаб эмас, тойлаб, чойни қадоқлаб эмас, яшиклаб олиб кетаварди. Шу вақтда бунача гапларни тушда кўрардик, холос. Мана шу гуноҳкор кўлим билан одамларга «бёт», «бўз» граммидан чой, «1 метру 37 сантиметр», «1 метру 49 сантиметр»дан чит тақсимлаган вактларим бўлган. Омборчи бечора шу тақсимотни ведомостга уйма-уч етказиш учун чойни мисклолаб тор-ган, газламишни тириқлаб ўлчаган.

Хўш, гапимизнинг асли ўйигига қайтайлик. Бояги «хангама»дан Аҳмадий иковимиз нос-ковогини тушибир кўйтан кашандайдай гангб қолдик. Нима қислак экан? Раисни чакириб сў-райлими ё аввал Бурҳон корига айтиб кўрайлими? Гапнинг рости бу олифта кори билан гаплашишга сира тоқатимиз ўйк эди. Шундай бўлса ҳам, аввал корининг ўзини ўйклатдик.

Кори дастлаб кириб келган пайтида хонани «мунча саситиб юборибсанлар» дегандек, биз чекаётган маҳорка тутунидан димогими эҳтиёт килиши учун дастрўмлонини бурнига тутиб олди, гапнинг даромади кучайиб, ўн учинчи ҳисобга бориб тақалға, вуҳудини соувқ тер босди шекилли, ўша дастрўмли билан дам бўйинни, дам баракасини, дам юз-кўзини артишга тушиди.

— Сизлар ўзи нимага кепгансизлар — колхозни тафтиш қилганини ё менинг пайимни кирканимни! — деб хириклирда калласини тош-бақадан тўлгантириб. — Тунов куни колхозга берган қарзини дастмоя қилиб олиб, миямни гангитдинглар. Энди, манави гап!

— Кори, ўзингизни босинг, — дедим мен иложи борича вазимлини билан. — Хеч ким сизнинг пайизни киркмоқни эмас. Сиз ўш бош бухгалтерис. Ҳисобот ишлари тамоман сизнинг кўлинигизда. Бу ҳам ҳисоботга таалукли иш бўлгани учун сиздан сўраялмиз. Ё от-бокардан сўрайлими?

Бу кочирим корига тасъир қилди шекили, титроғи бир со босилди. Аҳмадий қўйиб узатган чойдан бир ҳўллаб, бутқун ўзига келди.

— Бу ҳам, ўша сабил қолгр қарз пулга алоқадор нарса, — деди у ниҳоят.

Аҳмадий иковимиз таъжижубланиб, кўз уриштириб олдик. Кори ўртада пайдо бўлган бадгумонлини кўтариб ташлаш учун фикрини аниқроқ қилиб атди:

— Ха, ўшанга алоқадор. Пулни қўни-кўши, ёр биродарлардан тўплаб келдим, деганимидим? Шунда «Хлопторг»нинг «Ерминот» пункитидаги магазинчи Муҳаммединовнинг ҳам улуши бор эди. Нима бўлбидан ўнга ҳам тафтиш келиб, ўн беш минг камомат чиқиб қолиди. Нақд пул тўлаши мумкин эмас экан. «Жон кори ака, бир кўллаб юборинг», деб келиб қолди. Ўшандай банкадан ўтказиб берувадим.

— Бўлмас, нимага еттинчи ҳисобда «Хлопторг»нинг қарздор қилиш ўнгига харажат дафтарига ёзиб кўйдингиз?

Корининг нафаси ичига тушиб кетди. Назаримда, у бунача савлони кутмаган эди. Фикрин ростлаб олиш учун дастрўмлонин ўйнай бошлади.

— Хе, эсим қурсин, энди топдим, — деди Кори совлиги эгиз түқсан чўпондай ишшаб-иб. — Кузда у бизга уч юзтами-тўрт юзга қарор коп берувади. Ўзингиз биласиз, терим вақтида қанор тез ишдан чиқади. Шуни дафтarga даромад-бўромад қилиб қозони кўлпайтирмаслик учун тўплга-тўрги ўн учинчи ҳисобга тиркаб кўяловладим.

— Раис ҳам биладими буни?

— Қизиқсиз-а, колхозда раис билмайдиган иш борми?

Корининг сўнгги гапи ҳақиқатга яқинроқ бўл-

гани учун биз қониқканамо бўлдик. Ўзи ҳам қошиб қолган маҳал эди. Шу билан ишни тугатиб, одатимизга кўра, шийпонга йўл олди.

Не кўз билан кўрайки, шунча кундан бери бизни назарписанд қилимай келган Бурҳон кори биздан илгари шийпонга чиқиб турди-да! Тўй бошида турган баковулларга ўшаб, иккала қўлни белига тираганича, ошаз билан бօғонга ҳали уни олиб кел, ҳали буни олиб кел, уни авви өрга кўй, буни манови өрга кўй, деб дастурхон ўзиნе бозатирилти. Аҳмадий иковимиз «бирон иззати мөхон келади шекилли», деган хаёл билан шийпонга чиқишимини ҳам, чиқмаслигимизни ҳам билмай, тараддуладиб қолдик. Бирдан корининг кўзи бизга тушди-да, юзда табассум пайдо бўлиб:

— Кани, қани, азизлар! Тенага, тепага чи-кинглар, — деди.

Бу гап кўрнулачан ҳам иккни қаватдан бўлиб кетиди. Янги барқут болишилар пайдо бўлибди.

— Тафтишини ҳам тугатдинглар чоғи, — деб бидирлаб кетди кори. — Эртага актни ёзиб, кўл қўйсанглар, «хона барафти» қилиб қолдик. Кетар жафосига бир отамлашайлик.

Бир гап кўрнулачан ҳам иккни қаватдан бўлиб кетиди.

— Менга қаранг, Аҳмадий, — дедим унга. — Бир ис бор. Шунни этага қилимас.



Рассом З. РУЗИБОЕВ.

Дастурхон устидаги ноз-неъматларни таърифлаб ўтирамайман. Бир нарсани айтиб кўйки, тоғдан отиб тушшилган каклик ўшти ҳам бор эди! Ҳа...

Бир маҳал ошаз йигит корининг олдига кattатигина олма гулли чойнак келтириб кўиди. Кори негадир чойнакни дарровсона тагига яширид. Пиёлаларни ҳам хонтахта остига олди... «Одам чойни ҳам бекитиқа қўядими?» деб ҳайрон бўлдим. Бирдан димогимга алланечук ёқимли хид урилди. Кўпдан берни ичмаганимгани, «опон тўрзанини хиди жуда мутатар тувилиб кетди. Кори бир кўзини кисиб, пиёланни аввал менга узатди. Аҳмадийга қардим, у «олмант» дегандай, лабини тишлади. Ўзимнинг эса, жуда-жуда олгим келиб турбиди.

— Кўйинг, кори, куръонда буни ҳаром деганлар, шу ишни ҳамма қилса ҳам, сиз билан биз қилмайлик, — дедим.

Кори кизиталоқ дарров важ топди.

— Э, Ҳожим, куръонда бунинг томчиси мақруҳ дейилган, мана ўша томчисини тўкиб ташлашмай, ҳалол бўлади-қолади, — деди-да, менга узатиб турган ароқдан жинидагини ерга тўқди.

«бор, нима бўлса-бўлар!» деб мен ҳам пиёланни олиб, тагигача сипкариб юбордим. Аммо Аҳмадий тушшур, ўжарлиги тутиб, бир култум ютиш тутул, ҳатто пиёланни қўлига ушламади. Шеригимнинг ръыйига қараб, минг кўнглим ти-лаб турмасин, мен ҳам бас қилиб кўя қолдим.

— Ҳожи ака, — деди Аҳмадий ётётган пай-тимизда, — корининг мумолоси бирдан ўзга-риб қолганинг қандоқ қарайисиз?

— Ҳа, нима қипти, у ҳам одам-ку ахир, ҳаммасибнинг кўрсатиги «ўйид-дал».

— Ўй, бунинг тагига бошча гап бор. Тасниси тилсанг ҳон чиқмайдиган одам бекор-дан-бекорга бунақа «эрби» кетмайди.

Бояги ичган бир пиёла аргонининг кайфи ҳавога учди. Аҳмадийнинг мулоҳаси билан айт-ган гапидан кўнглимни гулгу гулу тушди.

— Менга қаранг, Аҳмадий, — дедим унга. — Бир ис бор. Шунни этага қилимас.

Эртасига Аҳмадий иковимиз шахарга, «Облхлопторг» идорасига тушшиб, колхоз билан унинг ўртасидаги олди-бердини бирма-бир тақослаб чиқид. Мундуд қарасак, бояги ўзи мингга иккиси юз килограмм чой, уч ўзи килограмм пахта ёғи олинганд экан. Бу иккиси нарсани «Хлопторг» омборидан ана шу кори акамнинг ўзла-ри кўтариб чиқсан эканлар. Қаёқдан билдинг, десангиз, чиқим ордерининг остида у киши-нинг панхара гулни имзолари турбиди! Вако-латнома ҳам у кишининг номларига ёзилган. Лекин бу чой билан ёғ колхоз омборига етиб бормаган. Мана шу шахарнинг ўзида қолиб, алла қайси бир гўрда гумдон қилинган. Кори колхозни салким ярим миллион қарзга боғлаб кўйиганинг боиси ҳам шу экан! Ахир, ўша вақт бир кило чой бозорда иккиси юз сўм, ёғ юз эллик сўм турганини ҳисобга олинг-чи, жами қанча бўлади?

Бу воқеани Мирзахоновга айтиб берганимизда, аввалига у ишонмади, кўзига ҳужжатларни кўрсатганимиздан кейин тандирга қалланган шу-войдай ловуллаб кетди:

— Ҳе... Мен Бурҳон кори, деб ихлас қўйган одам жигидидан кори экан-ку! Ноинсоғлигини кўринг ҳумпарнинг! Ҳали қараб турсин, мен юза қорини!

Биз «ҳай, ҳай» демасак, Мирзахонов корини ўша заҳоти милицияга бердириб юборармиди... Шахтидан сал тушгандан кейин тандирга қалланган шу-войдай ловуллаб бердик:

— Кори-ку бетингдан қўзининг борми демас-дан шу ишни қилибди. Энди сиз ҳозирикманг, бургага ўчакишиб, кўрпани ўтга ташаламанг. Корини буровга олинг-да, чойни ҳам, ёғни ҳам қантек қилиб ундириг. У ўғини нима қилишни тегишилар оидорлар ўз билди. — дедик.

Иш биз айтанимиздек бўлди. Кори чой билан ёғни ишни кундадек колхоз омборига кепти-риб топшири. Ермининг остидан олдими, осмондани, бунисидан хабарим ўй. Аммо райикро-комо раиси Абдуғанин аканинг зукколигига қойил қолдим. Бир нарсанинг шарпасини сез-ган ёлан-да, азатам...

— Корининг ўзи нима бўлди? — қизиқсиниб сўрадик биз.

— Шуни ҳам билмайсанларми, оббо сарто-рошга иши тушмаган болалар-эй, — деб кулиб қўя қолди Ҳожи ака.

ФАРДЛАР

Осондир сўз билан тегирмон кўрмок, Қийиндири янги бир ишга кўл үрмок.

Бир умр ҳатодан ўрганар қиши, Айни тан олмаслик номардинг иши.

Биронвнинг дардига ким бўлса ҳамдам У ўз дардига ҳам топгуси малҳам.

Ёшлиқда бир қасбнинг этагин ушла, Беминнат тер тўкиб, кўнглини хушла.

Зуваласи пишиқ инсонман, аммо — Қўнглим — нозик жонон пиёланамо.

Кўзинг хира торта қиларсан тоқат, Ақлнинг кузи кўр бўлмасин фақат.

Денгиз тубида дур, гавҳар мақони, Теран фикрдадир ақлнинг кони.

Ер кавлаган мавъзи, гап кавлагунча. Бирор кўнглини овла, қуш овлагунча.

Товс кўхлик — зарҳал либоси билан, Иносон кўхлик — одоб, ибоси билан.

Ғайрат МАҲМУДОВ

ЧАВГОН-

ХОККЕЙ



ХОККЕЙ — ҳамма қитъага таниш ўйин. Унинг ҳам футболга ухшаб ўйнига яраша ишишибозлари бор,

Қўпинча бу спорт ўйинининг тарихи хусусида гап кетса, хонкей XIX асрнинг ўртасида Англияда ўйналган, шу асрнинг сўнгиги чорагида эса у Канадага ўтган,

деб қўя қоламиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Даставва инглизлар хонкейни ўтлоқда ўйнашган. Сўнгра канадаликлар музда ўйнашни расм ичишган. Ҳозир ҳам хонкей ёзда майсазорда, қиши кунлари муз устида ўйналади. Дарвоно, бу серзаш ўйин фан тили билан айтганда, асабин ва нафас олини азоларини чиниқтиради, чақонликни, хушёлрик, мўлжалла облабилиш, қатъият, жасорат, ҳамнижатлик, матонат на-би фазилатларни ўтиради.

Хўш, бу ўйиннинг асли тарихи қандай? Эътиборингизга ҳавола қилинган лавҳа Алишер Навоий кулиятининг (XVI аср) Табриз нусхасига чизилган. Қайси бир дидди расомнинг мўйчалидан чиқсан ўйин манзаси роҳи гўй-чавгон ҳақида дургустувор тасаввур беради. (Бошقا бир манбада Беҳзод чизган миниатюрани ҳам кўрганимиз. Унда гўй-чавгон ўйини фақат икни чавгонбоз ўртасида бораётган тасвирланган).

Миниатюра ўша давр таомилига кўра, ранги бўйцулар билан ишланган. Шунинг учун ундан анча нарсани пайнаబ олса бўлади. Ўйин майдони — ўтлоқ. Нацн чизиглан дарвоза устучалар шартли масофада турди. Майдонда сакниси суворий «янг» қилимиди. Аммо улар рақибларнинг бир қисми, холос. Суворийларнинг кийимлари химла-хил, ранг-баранг. Отлар тўрик ва ой. Бу нарса рақибларни бир-бirlардан фарқлаш учун хизмат чилгандир. Асосан ўйинчилар тудасидан фақат беш «обобу суворий» шиддатли ўйнамоқда. Қолганлар нафзут кутиб турганга ўхшайди. (Ҳозир ҳам хонкейчилар шу қоидага амал килишади). Рӯпарада майдон ченкасида икни ишишибоз тасвирланган. Ўйинчиларнинг ҳаммаси нағирион һигитлар. Улар учун туллоплари устида ўзларини ёркин тутилади. Балки бу кўллар қилич, наиза тутишига одатланганнидир. Чунки чавгон ушлаган чавондоз ёнган майдонда шундай ҳарантан қилиши турган гап. Шунга кўра бу ўйинни кўпроқ ҳарбий ўйин, деса бўлади. Кўнгил очиш баҳонасида ҳам у жангничини тоблаб, чиниқтириб борган. Ҳатто отларнинг чавгон ўйинидаги «малака» ортиргани сезилиб турибди; улоқни қизиганган чавондоз тулпоридай тўп устига ташланшишоида.

Энди суратга биттилган тўрт мисра шеърга диккат қилинг:

Сенга иш — жавлон қилиб майдонда жавгон ўйнамоқ. Менга олимда бошимни гўй этиб юн ўйнамоқ. Баш овичлаб атма қомат бирла қолмоп раҳшидин. То тилар чобук суворим кўнгли жавгон ўйнамоқ.

Бу суратлар Навоийнинг «ўйнамоқ» радиғалидан бўлсамикан? Рассом ҳам миниатюрасини шу ғазал мазмунига мослаб чизган. Аммо ғазал шоир кулиятининг ҳозирги нашрларида учрамайди. Шеърининг икни мис-

расида «жавгон» сўзи келади. Бошқа манбаларда ҳам «жавгон», «чогон», «чавгон», «гўй-жавгон», «чавгонгар», «чавгонбоз» каби сўзларнинг учраши жумбоқни хийла енгиллашибиди. «Чавгон» сўзи учраган манбалар жуда қадимийдир.

Демак, чавгон-хонкей узоқ тарихга эга эканда. Буюк ватандошимиз устод Абу Абдулло Рудакий бундан минг йил мунаффада «Қарилидан шиою» шеърида сочининг ганжигин чавгонга ухшатади.

Яна классикаларимизга муронаат қиласиз:

Мансаби ту чист — чавгон бохтан,
Рахш зери рон, ба майдон тохтан.
(Абдураҳмон ЖОМИЙ)

(Мазмуни: Сенинг мақсадинг чавгон ўйнамоқ! Туллор тақимлаб майдонда ўйнамоқ.)

Ба чавгон худ чуног чонок буданд,
Ки гўй аз камбарни гардун рабуданд.

(Мазмуни: Чавгон ўйнашга шундай моҳир эдиларки, осмонни ҳам (гўй мисоли) юлиб олдилар.)

Кўриб турибизки, чавгон ўйини IX асрдэёк анча машхур бўлган. Аллома Махмуд Кошгариј «Девон лугат-ит турн» нитобининг биринчи жилдида чавгон сўзини тартибга солган ва у менга чавгон эгиша ёдда берди» жумласини мисол тариихисида келтириган.

Яна бир ҷанча шоирлар чавгон (хонкей) ва гўй (тўп) сўзларидан чиройли образлар пратаганлар. Фирдавсий, Ҳофиз, Фаррухий, Саъдий, Абдурраҳзоқ, Самарқандий, Ҳисраб Дехлавий, Ановорий, Анаврий, Ҳононий, Мушиқий, Шоҳин каби шоирлар фикрини шарқони усулар билан ифодалашди «чавгон», «гўй», сўзларидан фойдаланганлар. Шоир Саноёнда ҳам «чавгонгар» сўзига дуч келиб, ҳайратда қоламиз. Чунки у Махмуд Кошгариј ва Руданидан ҳам олдин ўтган шоирdir.

Хуллас, чавгон ўйинига тааллуқни сўзларнинг илласик шеъриятда «иш бергани», чавгон — хонкейнинг ўша пайтларда кенг тарқалганини кўрсатади. Шу сабабдан шоирларга ўйиннинг қондлари таниши бўйли қолган. Улар образлар тўқиб, ўз назмларига бўйцарилади. Бундан ташҳари, қалтиси фикрларини сўз ўйинлари билан ниқоблаб айтилганлар. Ҳисраб Дехлавийдан келтирилган икни мисра мазмунимида қашиб қўринг:

Дасти вай аз ҷуввати чавгони зар,
Кард пур аз гўй заминро сар ба сар.

(Мазмуни: «Қўлингаги олтин чавгоннинг кудрати шунчаликни, ер юзини гўй билан бошдан-бўй тўлдириб юборади». Қиссадан ҳисса чиқарилса, «чавгон» деб, киммингидир адолосати шамшири қўзда тутилади, «гўй» эса неслиган бошга ишора.

Ҳомом «Баҳористон» нитобида Ориф Ҳаравий тўғрисида шундай дейди: «Ориф Ҳаравий, «Гўй ва чавгон» мунозарасининг мулалифи. Бу жуда моҳир ёзилган мунозарада от сифатига кўйидаги мисралар айтилган:

Осмон коптогини босганида гард,
Коптоқдек сакратиб, от чопгандা мард,



Навоий кулиятининг Табриз нусхасидан олинган бу миниатюрада чавгон ўйини тасвирилган.

Тақасидан олов, учқун тўқарди,
Пишириса даимида бўрон қўтарди.
Копоти тепасида айланган замон,
Ёнгин тутунидан кўтарар тўзун.

Талай шоирлар гўй, яъни чавгон тўпини тутма, юлдуз, қуёш, ой, осмон гумбази сингариларга тақисалайди. Чавгоннинг (илюшна — эрги таёб) ўзи эса кўп холларда зулф, гажак, жингалак сочга киёсландади.

Чавгон ҳақида маълумот «Қобуснома»да ҳам учрайди. Үндан ўйиннинг қонда-қонунларини бирумчига тасаввур чилиш мумкин: «...Йилда бир-инки чавгон ўйнасанг раводир. Аммо кўп отлиқлар билан чиқмагин (чунки баҳтисизлик келтириади), сакнис отлиқдан кўп бўлмасин. Сен майдоннинг бир бошида турғил, яна бир ишиш майдоннинг охирида турсин. Олини ишиш майдонда тўлни урсин. Ҳар вақт тўп сенинг тарафинга келса, тўлни урғил ва майдоннинг охирига сурғил, аммо оломоннинг ичига отмагни, чавгон ўйиннинг йўли шудир, шу билан бирга, маррага етказиша мубаффақ бўл. Аммо уруш майдонига кирсанг, сусташни киммагил.»

Шундай килиб, футбол Юнонистон, шахмат Ҳиндистон билан боғлиқ бўлгани каби хонкейни Шарқца мансуб, дейишига асос бор. Лекин ба масала яна излашларни талаб қилалини. Ўйиннинг қонун-қондлари, рациб томонлар ўртасидаги мусобабалар, умуман, чавгоннинг ихтиро қилинган даври ҳақида маълумот берувчи манбалар топилиб қолса анкаб эмас.

Шуниси қуонарлари, пойтахтимизнинг Университет шаҳарчасида чавгон саройи — яхмалак майдони куриди. Чавгон асрлар оша олис элатлардан яна Шарқца хонкей шаклида қайтиб келганга ўхшайди.

М. ХИДИРОВ



ЁШЛИКНИНГ МУРАККАБ ЙУЛИ



Ҳаёт мураккаб. Ёшлар учун ҳамма йўллар очик бўлшиига қарамай, одамнинг катта ҳаёт юйлигичиб олиши ўзи бўлавермайди. Айниқса фан йўлига кирган ёш киши кўп мушук муммомларни, тускиларни мустахкам ироода ва астойдиган меҳнат билан енгиб ўтиши керак. Бунинг устига, атроф-муҳит, ҳар хил характердаги одамлар, уларнинг чигал муносабатлари... Ҳаёт мураккаб. «Умид» романининг қархрамони бу мурас-кабликларни ёшлигиде ё бошдан кечира бошлайди.

Танқили шоир Мирмуҳсин «Зиёд ва Адаб», «Тунги чақмоқлар», «Чиникиш» катта эбик сюжетли катта асарларнинг ҳам авторидир. Ўз қархрамонларни оғир ҳиссий чигриклилардан ўтказиши, уларни мураккаб инсоний муносабатлар синовидан ўтказиш унинг севимли приёмларидан. Унинг шу йил чиқкан янги романи «Умид» мана шундай муносабатлар синовига эрта тушшиб қолган ёш йигитнинг чиқниши, мустақил ҳаёт йўлни то-

пид олиши, этилиб жамиятда ўз ўринни этгалиши ҳақида ҳикоя қиласди. Бу Мирмуҳсин учун «Чиникиш»да бир марта синад кўрилган қархрамонидир, лекин энди у бошقا шаронт ва бошقا кўламда, селекцияни олимилар мухитидаги олиниади.

Айтиш кераки, фан мухити Умид образи учун маълум бир фон бўлса ҳам, автор қархрамон ҳаётни ва тақдирнида ахлоқий проблемаларни олдинги плансига чиқарди. Умиднинг болалик қалбидаги беғубор талланишлар, ажойиб соғлини, шу қалбидаги олижонан туйгуларининг улғайшини авторни кўпроқ қизиқтиради.

Умиднинг болалиги оғир йилларга тўғри келади, бунинг устига отасининг ўлми, ўтган онасининг жоҳиллиги... Аммо унинг қалбидаги яхшилика ҳамоҳанд катта яхшилик ҳаётда ҳам бор эди, яхши одамлар уни суръя йўлга соладилар; ёшлиқда келган илик севги эса ўнингтаги қанотлантиради.

Одам катта бўлган сари умидлари, ташвишлари ҳам катта бў-

лади, янги катта говлар кўндсанган келади. Йўл равон эмас. Интийтуда, сўнгра илмий мусассасада Умидни янги уғулар, шу билан бирга янги чигал муносабатларни кутиб олади. Фанга интилган ёш олим таҳжирасидаги, одам танимаслиги натисидасда Обидий ва Жаннапар мухитига тушиб қолади. Катта илмий унвонлар олдида ўзини жуда қамарт сезган, итоатчан ва ишchan Умид Салимжон Обидий кўп келиб, бу кекса худбини одам йигитнинг фанга интилишдаги барча яхшилигини ўз шахсига хизматига бўйсундиршига эришади. Умид бу моппарат, мешин оиласга қандай кириб колганини, тантни, илони суст, енгилтак Жаннага қандай ўйланниб кўйганини ҳам билмайди. Бунга ишонса бўлади — одатда бундай ботқоллар одамни ўз қаърига сездирмай тортиб кетади. Аммо, бизнингчча, Умиднинг бу оиласи таниб қолиши олдинроқ юз бериши керак эди. Чунки Умидек зийрак, ҳозирги ёшлар бунинг даҳ-

шатли ботқоқ эканини бу қадар узоқ вақт пайқамай юриши кийин.

Институтнинг соглом колективи, Шукур Каримович, академик Отобоев ва бошчалар ўзининг адашганилигини тушунган Умидни ўз бағирларига оладилар. Қаҳрамоннинг фан дунёсидағидаги ҳақиқият катта ҳаётни бошланади. Нитобхон кўнглигда мана шу ҳаётни батағислар кўриши, Пўлат Содиқови, Нафиса, Иномжон, Ҳотам Сингар, икобий персонажлар билан яқиндан танишиш истаги туғилади. Бундан ташқари, икотбон ошашини севгили ажойиб қиз Ҳафизани, унинг Умид билан қовшувшини кўргиси келади. Шунинг учун ҳам авторга китобхоналарда келган хатларда [Мирмуҳсин] бу ҳақда матбуотда чиқсан эди: «Романинг давоми бўладими!», деган саволлар кўп келмади экан.

Романинг услуби табий ва равон. Мирмуҳсиннинг проза тили ҳалқичил ва образли тил, у персоналлар диалогини индивидуаллаштиришига уста. Бу жижатдан Салимжон Обидий образи айниқса етук, унинг тили дилидан даражада берип туради.

Асар қизиқиб ўқилади, унда айниқса ёшларни қизиқтирадиган ахлоқий мумалолар яхши кўйилган, агар кўтарилган темаларнинг иккимойи томони ҳам иучайтирилса, роман янада катта аҳамият якаб этар эди.

Хўжа ТЎРАЕВ

ЯШИЛ ПАҲЛАВОН

ЮРТИМИЗ
БОЙЛИКЛАРИ

унинг таркибида налий, магний бароша минераллар ҳам мавжуд. Бу мёддалардан ташқари, ёнгоқниши соглиги учун энг зарур витаминларга ҳам бой. Масалан, юз грамга магнезий 0,43 процент, В₁ витамини, 0,13 процент В₂, 3 процент С витамини ва 0,02 процента каротин бор.

Унинг тўғчи, яшил қобиги, кунжараси ҳам турган-бигтани бойлинидир. Ҳақиқатан ҳам Мичурин уни «келаҳакинин Ноини», «номбигат дарахт» деб бекорор айтмаган.

Магнезий тўғчи озуна, ёғочи энг қимматбахо мебель билишидан ташқари, ёнгоқ инсон соглиги учун ниҳоятда зарур шифобашх шархадир. Абу Али ибн Сино замонидан бери ёнгоқ турли дардга даво сифатида қўлланиб келинади. Ҳозирги медицинада унинг мойи кўз, кулоқ насалликларини даволашда, бағридан эса син насаллигига даво бўладиган «ель» дориси тайёрланади. Англиядан ёнгоқ магнезий атеросклероз, қанд насалликларини даволашда, Хитойда эса азалдан бўйрача ҳосил бўладиган тонши туширишда ишлатиш нелинган. Озиқовицат саҳоатида, машинасозлинида ҳам унинг аҳамияти мислисиди.

Ёнгоқлар шаҳар-қишлоғларининг кўркига кўр қўшади, чинакам тоза хаво фабрикаси вазифасини ўтаси мумин. У жой танламайдиган дарахт. Ҳатто тулорига шўр Мирзачўл, Хоразм, Корабалогистонда ҳам бемалол ўса-верадиган навлари бор.

Техникияниҳоятда тараққий этган, осмонга юз минг тоннабалаб соглицина зарар газ, дуд-тутун, чанг-тўзун тинимисиз пуркалалётган

бир даврда шаҳарлар атрофига, асосан, меваозор бўлгар, кўнгариши, айниқса ёнгоқзорлардан иборат ишота зоналарни барпо этиш мақсадга мувофиқидир. Бундан ташқари ишча четларига, кўп қаватли иморатлар атрофига, кенг жамоат ҳовлиларига ҳам ёнгоқ энилса, тоз ўсадиган бўйдор даражат ёз иссикида салкин соя, тоза ҳово ва мева бериб аҳолига фойдаси тегади.

Ёнгоқнинг навлари кўп. Чўл зоналарига курғоциклика чидамли бодомёнго навидан, серсув жойларга эса чиллаки ғаливиран ёнгоқ эниш керак. Пакана, тез ўсер навлари борни, улар шўрҳон жойларга чидамли бўлади. Табиати совуқроқ төғ жилгаларига тош-ёнгоқ мос келади. Кўп қаватли уйлар атрофига бўйи 30 метрграва етадиган манзарали ёнгоқ навидан орасини 5×5 метрдан кўйиб, кўча ёнлагарига ўтга бўй ёнгоқлардан орасини 10×10 метр қилиб энилса яхши бўлади. Хиёблонларга эса йилига ини мартга гулладигандан, низад барглари қизарип пишишадиган, низад барглари сарманзара ёнгоқ навидан экиш лозим. Ҳовлиларга настобўйи сурхосин чиллашни ёнгоқлар мос келади.

Ёнгоқнинг бошқа дарахтларга қараганда кўул тўмони шуки, кўчкатига қарагандан уруғидан тез авом олади. Ҳонадонлар кучат кидириб юрмай ўзлари уруг бозорига энграбланади.

Баъзи кенсалар: «Ёнгоқ хосилтисиз, тагида ухлаб қолсанг жин чалис кетади», деб вахима чилишади. Бунинг бонси шундаки, ёнгоқ барги, умуман, ҳамма дарахт, ўсимликлар каби, нундузи нуғуш

нурни ёрдамида «тез ишлайди», яъни углеродди ҳавони ютиб, кислород чиқарида — ҳавони тозалайди. Бу жарәйн кечалари сусанди. Натинада айниқса ёнгоқка ўшаган сершоҳ, сербрга дарахтлар тагида бузуҳ ҳаво тўпланиб қолади. Яна ёнгоқ баргларидан эфир мойи ҳам таралади. Бунинг устига, атрофи ёпни ҳовлиларда ўстган ёнгоқ тагида ҳаво дим, бўги бўлиши турган гап. Ўндан ийнда ухлаб қолган асаби, соглиги начорроқ иморатларни касалга чалинни таъликунбандарни эмас. Ахир, соглом одам ҳам ётогига бир даста гул кўйиб ётса, эрталада ланж бўлинтириши, ҳатто, бош оғрикни учрашиши кимга сир?

Яна баъзи бирловлар «Ёнгоқ есан тилим чаңа бўлади, оғизим улийдик», «Баданимга иссиқини тошади», деб нолишиади. Бу ҳам табий.

Юқорида айтганимизданд, ёнгоқнинг таркиби нинҳотда бой. У юнни сўйилтириб тозалаши, юрек ҳаракатини тезлаштириши, натинада Баданим иссиқини тоштириши ҳам мумкин. Териси нозин томоқ, тил, танглайни биринчи вақтда чаңа қилиши табий. Аммо бундан хавфисран нерак эмас. Ёнгоқ бора-бора оғиз бўшилгини бамисоли ошлаганден пишиди, чинчиқтиради.

Ёнгоқ, аслида ниҳоятда сердомад, ниҳоятда шифобашш дарахтлар. У толгларда кор, намарчиликнинг узоқ сајланшига ёрдам берса, энинзор далаларни эрозийдан — хосилдор ер бетининг чанг-тўзонга айланни нетишидан, жарниларга айланнишдан асрайди. Колхоз ва совозхон, шаҳар ўрмон њумхаликлари ёнгоқзорлар барпо этишига эътиборни кучайтиришлари керак.

М. ТУҶИЧЕВ,

Е НФОҚ жуда қадим замонлардан бери ерга кўрк бериб элни тўйдириб келган даражадир. Учламчи давр ер каттамидан кирк етти хил ёнгоқ навининг ўзларидан топилган ўса даврда ер юзининг катта қисмиси ёнгоқзорлар билан колланган эди. Ёввойи ёнгоқзорлар Урта Осиёда, Фарғона, Чотқол, Ҳисор, Дарваз, Угам, Писом, Капедог тизмаларида сақланған келган бўлиб, умумий майдони юз мингектарга ялан.

Ёнгоқзорларда дарахтлар, буталар гўё қават-қават бўлиб ўсади. Энг баландада улугор ёнгоқ, кўлтигига ёввойи олма, тоголча, олмурут. Ўндан настрояда қорақат, зирк, наъматак. Ер бетидаги эса нўм-нўй майса. Йўғон тиморилар тагидан зилол булоқлар қайнар чиқиб, сой томон шарқирада оқид ётади. Ёнгоқзорларнинг ҳавоси эса ўта шифобашхидир.

Революцияга қадар катта-катта майдондаги ёнгоқзорлар лисон қилинди, чет эмебель фирмаларига кириқ сотиди. Эндилинда ёнгоқзорлар давлат мухофазасига олиниб, тобора кенгайтирилмомда.

Ёнгоқ магнезий ниҳоятда тўйимли озуқидар. У ногига қарагандага уч марта, нартошқадан етти марта, гўштдан олти марта, сутдан ўн марта, нокна нисбатан ўн уч марта, чигит мойига қарагандага беш марта тўйимлироқидир. 400 грамм магнезийнинг калорияси бир кишининг кун бўй тўйиб еган овқати берадиган калорияга тенгdir. Бир инилограмм ёнгоқ 8500 калория ҳосил қилиади.

Ёнгоқ магнезий таркибида инсон учун фойдади нийдаги моддалар бор: азотли мёддалар 14,38 про-цент, экстрактли азотсиз мёддалар 12,89 процент, мойлар 55—80, фосфор нислотаси 0,65, оқсил 18, ҳанд 2—12, крахмал 3 процент,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиси Ботаника институтининг илмий ходими

ШАМОЛ ВА СУВ

МАСАЛ

Шамол ва Сув қолди бирдан тортишиб,
Ариқда айланган чархпалақ гувоҳ.
Шамол дерди:— Мақтамна ҳаддиндан
ошиб,

Тошини-тошга уриб чекаверма оҳ,
Битта чархпалақи айлантиришга
Кудратим етади менинг ҳам, ишон...
Сув таққа тұхтади, олға юршига
Мадори келмади... Ен турди чақони.
Епиши чархпалақ паррагига у,
— Айлан!— деб силкитди, ўшқирди гув-
гув.

Барнибир чархпалақ қымирламади
Шамол бўрон бўлуб даҳшат солади,
Ўшанди «ғийқи» этиб айланди бир бор.
Бир бор айландиу тұхтади тақрор.
Пакирчалар эса чиқди кўп-кўруқ.
Бекор кетган шунча кучу шунча дўй,
Шамол йироқларга қочағи гувуллаб,
Ариқда Сув қолди кулиб-ловуллаб.
Яна аввалигай чархнинг палаги
Айланниб, сугорди тарвуз палагин.

Каминанинг хуласаси шу:
Нафынг савлатнинг қарамас.
Шох синдириган кучли дайди шамол
Дарахт ўстиришга ярамас.

ҲАҚНАЗАР.

Рассом В. ДУМКИН.



— Сих ҳам куймади, набоб ҳам...

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош редактор Ўринбосари), Уқитам ОРИПОВ, Эмиль РУЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (масъул секретарь), Обид СОДИКОВ, Олим ХУЖАЕВ, Сайд ШЕРМУҲАММЕДОВ, Комил ЯШИН, Муҳаммаджон ҮРОЗБОЕВ.

«Гулистан» — общественно-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).


Корректор М. МУМИНОВА.

Адрессимиз: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-й. Редакция телефонлари. Бош редактор — В-33520; Бош редактор Ўринбосари — В-33590. Масъул секретарь — В-33590; Ижтимоий-сиёсий бўлум — В-33602; Адабиёт ва санъат бўлуми — В-33519; Фан ва маданият бўлуми — В-33519.

Босмахонага туширилди 7/VII-70 й. Босишига руҳсат этилди 19/VIII-70 й. Ўқози 70/1081/в. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 2229. Тиражи 175 599.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

Дам олиш
соатларида





«САМАРҚАНД»


ЧАЙНВОРДИ

- Самарқанд тарихи билан шуғулланувчи инглиз олими.
- Кўхна дарё.
- Улуғ рус шарқшуноси олими.
- Самарқанди кўйлаган шонир.
- Темурийлар авлодининг вакили.
- Қадимий шаҳар. М. Мақбара.
- М. Узбек олими.
- Самарқанднинг хушманзара жойда ридан бири. 10. Қунақ Самарқанд.
- Мельорлин меросимининг нодир ёғдорлиги.
- Қадимий шаҳар.
- Самарқанд куйлаган шонир.
- Аватарийларидан бири.
- Самарқанд атрофидағи қадимий шаҳар.
- Дунёнинг гузал шаҳарлари номи билан атталған кичик шаҳарчалардан бири.
- Қадимий Самарқанд билан алонада бўлган шаҳар.
- Самарқанд маҳаллаларида билан.
- Афросиёб сирларини очишида қатнашган олими.
- Шарқшунос.
- Самарқандлик архитектор.
- Социалистик меҳнати ҳаракатини.
- Самарқанд тарихини яратиш бўйича кўрик голиби.
- Венгрилик самарқандшунос.
- Самарқандда насаллик эпидемиясиниң тутгатища фабриялар кўрсатган олими.
- Атоқли жамоатчи, врач аёл.
- Самарқанд виноларидан бири.
- Самарқанднинг хушманзара жойи.
- Темур давридаги оромбахи жойининг номи.
- Тарихга бой район.
- Самарқанднинг жамоатчи аёл.
- Узбекбекинг шогирди.
- Сомонийлар хукмдори.
- Самарқандшунос австралияния публицист.
- «Самарқанд» жалити»нинг никод кори.
- Кинотеатр.
- Қадимий шаҳар.
- Томашобол, кўрик майдон.
- Қадимий шаҳар.
- Самарқандлик драматург.
- Пирин адабиётшунос.
- Тарихчи олима.
- Самарқанд боиний алоқадор давлатлардан бири.

Тузувчи З. ЗАФАРОВ

Техредактор М. ЕФИМОВА.





Баҳаси 30 тийин.

Индекс: 75233